
**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ**
**ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**
JOURNAL OF LAW RESEARCH

2019 №1



TOSHKENT-2019

Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали // Журнал правовых исследований //
Journal of law research

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигидан 22.06.2017 йилда,
1175-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтказилган.
Зарегистрировано свидетельством # 1175 от 22.06.2017г.
Агентством печати и информации Республики Узбекистан
The journal of law research was registered by the certificate # 1175 from 22.06.2017.
The Press and Information Agency of the Republic of Uzbekistan

Бош муҳаррир
Главный редактор
Chief Editor
проф. д.ю.н., проф.
(Doctor of Law, Professor)
Абдурасулова Кумринисо Раимқулловна

Бош муҳаррир ўринбосари
Заместитель главного редактора
Deputy Chief Editor
к.ю.н., доцент
(Candidate of Law, Associate professor)
Файзиев Шохруд Фармонович

"Ҳуқуқий тадқиқотлар" журнали таҳририй
маслаҳат кенгаши

International Editorial Board of the journal
Международный редакционный совет журнала
"Правовые исследования"

12.00.01 - Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи. Ҳуқуқий таълимотлар тарихи / Теория права и государства, История правовых учений / Theory of law and state, History of legal doctrines

Ю. ф. д., проф. Ҳалимбой Бобоев
Ю. ф. д., проф. Ахмедшаева Мавлюда
Ю. ф. д., проф. Мухиддинова Фирюза
Ю. ф. д., проф. Адилходжаева Сурайё
Ю. ф. д., проф. Сатторов Абдуғаффор

Yosuke Shamoto
(Japan)
д.ю.н., проф. Артур Гамбарян
(Республика Армения)

12.00.02 - Конституциявий ҳуқуқ, Маъмурий ҳуқуқ, Молия ва боғжона ҳуқуқи / Конституционное право; административное право; финансовое право / Constitutional Law; administrative law; financial right

Ю. ф. д. Гулчехра Маликова
Ю. ф. д. Хусанов Озод
Ю. ф. н. Хван Леонид Борисович
Ю. ф. д. Силиманова Светлана

Sung Un Lee
(South Korea)
д.ю.н., доц. Пешкова Христина Вячеславовна
(Российская Федерация)

12.00.03 - Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ / Гражданское право; предпринимательское право; семейное право; международное частное право / Civil law; Business law; family law; Private international law

юримдик фанлар доктори, профессор Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Оқюлов Омонбой, Рузиназаров Рустам, Рузиев Шухрат, Шомухамедова Замира, Баратов Миродил, Бобоқул Тошев

Dr. Ahmad Issa Altweissi (Jordan)

12.00.04 - Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Ҳўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳақамлик жараёни ва медиация / Гражданское процессуальное право; хозяйственное процессуальное право, арбитражный процесс и медиация / Civil Procedure Law; Economic procedural law, arbitration process and mediation

юримдик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист Ғсанова Замира Нормуродовна, Ғгамбердиев Эминжон, Мамасидиқов Музаффар

Jason A. Cantone Federal court center (USA)

12.00.05 - Меҳнат ҳуқуқи.Ижтимоий таъминот ҳуқуқи / Трудовое право; право социального обеспечения / The Labor law; Social security law

Ю.ф.д., проф. Усманова Муборак Акмалхановна, ю.ф.н., доц. Гасанов Михаил Юриевич, ю.ф.н., доц. Сатторова Гулноза ю.ф.н., доц. Муродова Гулнора

д.ю.н., проф. Денисов Глеб (Российская Федерация)

12.00.06 - Табиий ресурслар ҳуқуқи. Аграр ҳуқуқ. Экологик ҳуқуқ / Природоресурсное право; аграрное право; экологическое право / Natural resource law; Agrarian law; Environmental law

Ю.ф.д., проф. Файзиев Шухрат Хасанович, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист ю.ф.н, доц. Скрипников Николай Кузмич, ю.ф.д., проф. Усмонов Муҳаммади Бахридинович, ю.ф.д., проф. Холмўминов Жума, ю.ф.д., проф. Жўраев Юлдаш Ачилович

Долгополов Кирилл Андреевич (Российская Федерация)

12.00.07 - Суд ҳоқимияти. Прокурор назорати. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини ташкил этиш. Адвокатура / Судебная власть. Прокурорский надзор. Организация правоохранительной деятельности. Адвокатура / The judicial authority. Prosecutor supervision. Organization of law enforcement activities. Advocacy

Ю.ф.д., проф. Пўлатов Бахтиёр Халилович, Ю.ф.д. Саломов Баҳром Саломович, ю.ф.н., доц. Салаев Нодирбек Сапарбаевич (Тошкент давлат юридик университети)

James V. Eaglin Федерал суд Маркази (АҚШ) д.ю.н., проф. Кайрат Осмоналиев (Қирғизистон Республикаси) к.ю.н., доц. Сергей Шошин (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Алексей Кибальник (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Кудрявцев Владислав Леонидович (Российская Федерация)

12.00.08 - Жиноят ҳуқуқи. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш. Криминология. Жиноят-ижроия ҳуқуқи / Уголовное право и криминология; уголовно-исполнительное право / Criminal law and criminology; Criminally-executive law

Ю.ф.д., проф. Кабулов Рустам, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, ю.ф.д., проф., Рустамбаев Мирзаюсуп Ҳакимович, ю.ф.д., проф. Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, ю.ф.д., проф. Зуфаров Рустам Ахмедович, ю.ф.д., проф. Тахиров Фарход, ю.ф.д., проф. Исмоилов Исомиддин, ю.ф.д. Мирзаев Азиз

Matthew Light (Canada), проф. Юлдошев Рифат Раҳмаджонович (Республика Таджикистан), д.ю.н., проф. Елене Антонян Александровна (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Жансараева Рима Ернатовна (Республика Казахстан), Кирилл (Российская Федерация)

12.00.09 - Жиноят процесси. Криминалистика. тезкор-қидирув ҳуқуқ ва суд экспертизаси / Уголовный процесс, криминалистика, оперативно-розыскное право и судебная экспертиза / Criminal procedure, criminalistics, operative-search law and judicial examination

Ю.ф.д., проф. Иноғомжонова Зумратхон Фатхуллаевна, ю.ф.д., проф. Пўлатов Юрий Сайфиевич, ю.ф.д. Мухиддинов Фахриддин, ю.ф.д., проф. Тулаганова Гулчехра Заҳитовна, ю.ф.д. Миразов Даврон

Kevin Curtin (USA), Jurgen Maurer (Germany), д.ю.н., проф. Стойко Николай Геннадьевич (Российская Федерация), Проф. Рыжаков Александр Петрович (Российская Федерация), д.ю.н., проф. Зайниддин Искандаров (Республика Таджикистан), Проф. Сергей Пен (Республика Казахстан), доц. Алексей Пурс (Республика Беларусь)

12.00.10 - Халқаро ҳуқуқ / Международное право / International law

Ю.ф.д., проф. Исмоилов Баҳодирюридик, ю.ф.д., проф. Маткаримов Гулчехра, ю.ф.н., проф. Юлдашева Говержан

Alexander Trunk (Germany)

**Контакт Редакция журнала Правовых исследований:
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6, улица Мехригиё, 1-А.
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz Тел: (+998-94) 404-0000**

**Editorial staff of the journal Law Research:
Expert Lawyers LLC The city of Tashkent, Sergeli 6, Mehriyigo Street, 1-A.
Email: info@tadqiqot.uz Phone: (+998-94) 404-0000**

**12.00.01 ТЕОРИЯ И ИСТОРИЯ ГОСУДАРСТВА И ПРАВА.
ИСТОРИЯ ПРАВОВЫХ УЧЕНИЙ**

Мухитдинова Фируза Абдурашидовна,

Тошкент давлат юридик университети
профессори, юридик фанлар доктори
E-mail: feruza.mukhitdinova@gmail.com



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-1-1>

**ҚОНУН ВА ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МУАММОЛАРИНИНГ ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ
ТАЪЛИМОТИДА АКС ЭТИШИ**

Аннотация: мазкур мақолада ҳуқуқий давлат барпо этишда қонун ва қонунчилиқни такомиллаштириш масалалари тарихий-назарий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этилган. Мазкур муаммоларнинг Шарқ олимлари асарларида акс этган томонлари қиёсий ўрганилган. Муаллиф томонидан ушбу фикрларнинг бугунги кундаги аҳамияти хулосавий фикр ва тақлифларида очиб берилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқ, қонун, ҳуқуқий маданият, оила ва никоҳ, мерос

Mukhitdinova Furuza Abdurashidova,

doctor of legal Sciences, Professor of
the Tashkent state university of Law.
E-mail: feruza.mukhitdinova@gmail.com

**PROBLEMS OF IMPROVEMENT OF LAWS AND LEGALITY
IN THE WRITINGS OF SCIENTISTS OF THE EAST**

Annotation: This article analyzes the historical and theoretical and legal aspects of the rule of law and legislation as well as relevance in the creation of the rule of law. Comparative aspects of these problems are reflected in the writings of Eastern scholars. Therefore, the study of political and legal ideas of scientists has become in our days the most important task. The specific features of the approach to the problems of legal culture are identified.

Keywords: law, law, legal culture, family and marriage, inheritance

Мухитдинова Фируза Абдурашидовна,

доктор юридических наук, профессор
Ташкентского государственного
юридического университета
E-mail: feruza.mukhitdinova@gmail.com

**ПРОБЛЕМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЗАКОНОВ И
ЗАКОННОСТИ В ТРУДАХ УЧЕНЫХ ВОСТОКА**

Аннотация: В данной статье анализируются исторические и теоретико-правовые аспекты верховенства закона и законодательства а также актуальность в создании правового государства. Сравнительные аспекты этих проблем отражены в трудах восточных ученых. Поэтому изучения политико-правовых идей ученых стало в наши дни важнейшей задачей. Определены специфические черты подхода к проблемам правовой культуры.

Ключевые слова: право, закон, правовая культура, семья и брак, наследство

For citation: Mukhitdinova Firuza Abdurashidova. PROBLEMS OF IMPROVEMENT OF LAWS AND LEGALITY IN THE WRITINGS OF SCIENTISTS OF THE EAST. Journal of Law Research. 2019, 1 vol., issue 1, pp. 4-12

*"Ҳар бир жамият ҳаёти, шубҳасиз, ундаги илм-фан ривожига
чамбарчас боғлиқдир".
Шавкат МИРЗИЁЕВ*

Хозирги пайтда мамлакатимизда миллий давлатчиликни шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Эндилликда давлатчилик соҳасида эришилган натижаларни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий давлатни, фуқаролик жамияти асосларини ривожлантиришда ҳуқуқий қадриятларимизни ўрганишга бўлган эҳтиёж янада ортмоқда. Зеро, мустақил Ўзбекистон давлати ўз давлатчилик тарихи ва бой ҳуқуқий меросга эга бўлиб, бундай сиёсий-ҳуқуқий меросдан унумли фойдаланиш жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, келажаги буюк давлат қуришда бебаҳо манба ҳисобланади.

Мамлакатимизда қонун устуворлигига эришишнинг устувор йўналишларини аниқлаб олиш ва амалга ошириш жараёнида тарихий, сиёсий-ҳуқуқий илдишларга таянган ҳолда, янги замонавий ғоялар, ёндашувлар шаклланиб бормоқда. Бошқача айтганда, давлатчиликни ривожлантиришнинг ҳозирги ва келгуси босқичига мўлжалланган сиёсий-ҳуқуқий тадқиқотларнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш юриспруденциянинг, қолаверса, юридик фаннинг долзарб масаласига айланиб бормоқда. Табиийки, ушбу концепциянинг муҳим таркибий қисмини Ўзбекистонда узоқ йиллар давомида шаклланган сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар ташкил этади. Шу боис миллий давлатчилик ривожланишининг ҳозирги босқичида сиёсий-ҳуқуқий таълимотлардан ижодий фойдаланиш, уларни тадқиқ этиш методологиясини шакллантириш мамлакатимизда юриспруденция ва юридик фан олдида турган долзарб масалалардан бири саналади.

Шу боис, 2017 йилнинг 15-16 май кунлари Тошкент ҳамда Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтган "Ўзбекистон маданий мероси - халқлар ва давлатлар ўртасидаги мулоқотга йўл" мавзuidaги халқаро конгрессда 120 дан ортиқ ҳорижий ва 100 дан ортиқ миллий олим ва экспертлар иштирок этади. Улар орасида Россия, Канада, Италия, Буюк Британия, Ҳиндистон, Миср, Корея, Бельгия, Голландия, Франция, Германия, Чехия, АҚШ, Хитой, Туркия, Греция, Озарбайжон ва бошқа мамлакатлардан дунё илм-фани вакиллари - машҳур олимлар, музейлар ва илмий институтлар раҳбарлари, илмий журналлар муҳаррирлари, таниқли коллекционерлар, шунингдек, ЮНЕСКО ва ICOMOS (Ёдгорликлар ва диққатга сазовор жойларни сақлаш бўйича халқаро кенгаши), кўп сонли асарлар ва китоблар муаллифи бўлган олимлар қатнашишди. Илмий анжумандан кўзда тутилган мақсад - Ўзбекистон маданий-тарихий меросини

ўрганиш ва кенг жамоатчиликка тарғиб этиш орқали Ўзбекистонда илм-фан қадимдан ривож топгани қайд этилди.

Дарҳақиқат, мазкур анжуман нафақат илмий-маданий, балки ижтимоий аҳамиятга ҳам эга бўлади, зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишда амалий-тарихий ва ҳуқуқий асос бўлди.

Илм-фан ютуғи - тараққиёт пойдевори!

Ҳақиқатда, даври мутафаккирларининг сиёсий-ҳуқуқий меросининг яна бир ўзига хос хусусияти шундаки, ушбу таълимотларда бундан минг йиллар бурун бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири, яъни ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни жамиятда юксалтириш масалалари ўз ифодасини топган. Бу ҳақда Ўзбекистон Биринчи Президенти Ислам Каримов: " Бундай минг йил бурун яратилган Форобийнинг фозил одамлар шаҳри асарини қўлга олиб кўрайлик, унда бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган долзарб масалалар учрайди", - деган эди.

Шунингдек, ушбу даврда қонунлар, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданият ҳақида гапирар эканмиз, бу борада Форобий бутун бошли бир тизимни яратганини гувоҳи бўламиз. Форобийнинг фикрига кўра, айнан ана шу тизимсиз фозил шаҳарни тасаввур ҳам этиб бўлмайди. Ҳуқуқ ва ҳуқуқий тарбияда ижтимоий тараққиёт, иқтисодий ва маънавий муваффақиятнинг асослари ётади. Форобий қонуннинг устуворлиги ижтимоий юксалишнинг асоси деб тасаввур этади. Бу эса, ўз навбатида мукамал, юксак маънавий талабларга жавоб берадиган, ижтимоий муносабатларнинг турли соҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан бошқарадиган механизм сифатида юзага чиқиши лозим. Қонун орқали бошқарув, бошқариш объектига одатда салбий таъсир ўтказувчи субъектив омилнинг таъсир даражасини пасайтиради. Қонунга қатъий риоя қилиш ҳам ҳукмдорларни, ҳам халқни фозилликка етаклайди. Қонунларнинг самарали бўлиши учун зарур билимлар, белгиланган қонун-қоидаларни ишга тушурувчи механизмлар, таълим-тарбия тизими ва мувофиқ методология бўлмоғи лозим.

Форобийнинг асл мақсади - ҳақиқатни топиш, қонуниятлиликни ўрнатиш ва фанни жамиятнинг амалиётда мавжуд эҳтиёжларига хизмат қилидиришидир. Фойдали ва афзал эканлигини уқтирган ҳолда қайсидир маънода у билим ва фазилатни тарғиб қилади. Форобий қийинчилик билан, оғир меҳнат орқали эришиладиган нарсаларнинг афзаллигини кўрсатар экан, педагог, устоз сифатда намоён бўлади. Форобий мўъжизаларга ишонмайди ва диний ақидаларни мақсад эмас, балки тарбиянинг воситалари сифатида қабул қилади. Кишилар бахтга фақат қаттиқ меҳнат ва куч сарф этган ҳолда эришиш мумкин. Файласуфлар олдида турган вазифа ана шу меҳнатнинг энг қулай жиҳатларини топиш ҳамда халқ ва ҳукмдорларни ана шу билимлар билан қуроллантиришидир. Ана шуларнинг барчаси идеализмни камайтириб, утопия ва реализм ўртасидаги фарқни яқинлаштиради. Форобий фикрларида эришилиши мумкин бўлмаган хусус кўринмайди, унга кўра барча нарсаларга эришиш мумкин.

Шуниси диққатга сазоворки, бу Шарқ олимнинг кўпгина фикрлари бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Айниқса, турлича тарихий даврларда ўзига хос тарзда талқин қилиниши мумкин бўлган қатор муҳим фикрлар мавжуд. У Афлотуннинг ғайри табиий образларидан мустақил ҳолда ижтимоий

муносабатларнинг илмий тузулишини яратганининг ўзи етарлидир. У мавжуд нарсаларга улар ҳақиқатда қандай бўлса, шундай қарайди. Жанговар диний фундаментализм даврида диний фанатларнинг босқинидан ўз ҳаётини сақлаган ҳолда, илм йўлида ва илмни сақлаш мақсадида шарҳлаш йўлини ташлагани учун уни кўрқмасдан биринчи файласуф-ҳуқуқшунос позитивист дея аташ мумкин. У кишиларга ҳар кунлик амалиётида керак бўладиган билимларни излашга ҳаракат қилган ва оламни билиш мумкинлигига ишонган. Унинг учун фикрлашнинг имкони бўлмаган ҳеч нарса йўқ. **Жумладан, Форобийнинг қонунларни такомиллаштириш лозимлиги қайд этилган фикрлари:**

- Халқ қонунларга эҳтиёж сезиши ва уларни чуқур ўрганиши зарур, чунки улар кейинчалик халқнинг ўзига фойда келтиради.

- Қонунларни ўрганиш зарур ва тўғри. Чунки қонунларни билмаган ва уларга бўйсунмаганлар қонунларни беъаъни деб атаб қоладилар.

- Сирдан тайзиқ ўтказиб, сингдириладиган кўнгил ғазабини бостириш учун инсоннинг ўзи билан олиб борадиган ҳақиқат излаш борасида курашда қонуннинг фойдаси катта.

- Эзгулик, яхшилик фақат қонун бўлгандагина ва у қонун яхши ишлагандагина амалга ошиши мумкин.

- Қонунлардаги ҳар бир амру-талаблардан қанчалик улкан фойда борлигини тушуниш керак.

- Қонунга шубҳа билан қараш ҳамда қонун устидан арз қилиш энг осон ишдир.

- Қонун ҳайвоний куч эмас, балки таҳсинга сазовор кучни ривожлантиришга қаратилган бўлиши зарур.

- Қонун мақсадга чиройли ва покиза йўл билан эришиш имконини беради.

- Янги қонун мамлакатлардаги барча табақалар ва авлодларга барча вилоятларнинг аҳолисига бахт-саодат, шодухурамлик келтириши ҳисобга олиниши керак.

- Қонунда одамларнинг барча хислатларидан фарқ қилувчи туғма хислатлари ҳам ҳисобга олиниши керак.

- Қонун турли-туман феъл-атвордаги, турли-туман хислатли одамлар хайрихоҳлик билан кутиб олишга арзийдиган бўлиши керак.

- Агарда яхшилик, эзгуликка оид қонун мавҳум бўлса, соҳиби қонунлар ва уларнинг пандларини ёзиб борувчилар ва шоирлар уларнинг сўзларидаги хатоларни тушунтириш учун жиддий эътибор беришлари керак.

- Қонунлардаги ҳар бир кўрсатмадан моҳиятига қараб фойдаланиш зарур. Рақс ва най чалишни ўрнини алмаштириб бўлмаганидек, қонун кўрсатмаларини ҳам алмаштириб бўлмайди.

- Фаровонлик келтирмайдиган ва бахт сари олиб бормайдиган қонунни қандай қилиб маъқуллаш мумкин.

- Агар қонунлаштириш эркинлик билан ихтиёрий амалга оширилса, у ҳолда бўйсунуш ва итоат ҳам фуқаро томонидан хайрихоҳлик ва қувонч билан қабул қилиниб, узоқ муддатга давом этади.

- Бошқарув қонунларининг сони қонунларнинг сонига муносибдур, чунки ҳокимият қонунларга бўйсунди, улардан ҳосил бўлади ва улардан асос олади.

- Бошқарув ҳам қонунларнинг сони ва қадриятига боғлиқ. Яхши бошқарув яхши қонунларга боғлиқ, ёмон бошқарув ёмон қонунларга, етук бошқарув етук қонунларга боғлиқ.

- Қонунлар икки хил бўлади. Биринчи хил қонунларга, ҳар қайси соҳиби қонунга қонунларни жорий этишда, давлат аҳволи ва вақт зиқлигидан шошма-шошарликка хос бўлган ҳолдагилари киради. Бошқа бир хили ўзгармайдиган ва асл ҳолини сақлайдиганлари - бу табиий қонунлардир.

- Қонунларнинг асосий қоидалари ва соҳиби қонун бу ишнинг ҳеч бир томонига бефарқ қарамаслиги, уларга риоя қилинишига ғамхўрлик қилишидир.

Қонуннинг асосий қисмини такомиллаштириб бориш зарур, -деб таъкидлаган фикрларини ҳуқуқшунослар томонидан ўрганилиши, сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихида ўқитилиши ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади, - деган хулосадамиз.

Жамият ҳуётида қонунларнинг тутган ўрни ва аҳамияти ҳақидаги ғоялар Форобий томонидан кенг ва батафсил ўрганилган бўлса, Абу Райҳон Беруний қарашларида ҳам қисман акс этган, жумладан, Абу Райҳон Беруний мутафаккир ҳукмдорлар ўз давлатини идора қилиш сиёсатида адолатли қонунлардан тўғри фойдаланмасдан, уни бузиш орқали халққа хиёнат қилишларини, оқибатида эса, бундай сиёсат давлатнинг вайрон бўлишига ва тартибсизликка сабаб бўлишини, ёзар экан ислом қонун қоидаларини шарҳ қилиш билангина шуғулланувчи фан бошққа, қарор топган қонунлар, қоидалар, тушунчалардан юқори кўтарилишга интиладиган (асл илмий ва диний таълимот нисбатини ўзгартирадиган, ҳатто мутлоқ ғояни эркин талқин қилишгача бориб етган) фан бошқадир, деган фикрни илгари сурган.

Оила қа никҳ муносабатлари ҳам ушбу давр мутафаккирлари томонидан таҳлил этилгани диққатга сазовордир. Жумладан, Берунийнинг оила ва никоҳ хусусидаги фикрига кўра, "Халқлардан ҳеч бири ҳам никоҳдан ҳоли эмасдир. Ҳар миллатнинг никоҳга оид ўзига хос расми ва одати борлигини қайд этар экан, оила ва никоҳ муносабатлар ҳар халқнинг, ҳар давлатнинг, ҳар миллатнинг ўз урф-одатлари билан тартибга солиниши ҳақидаги фикрлари муҳим аҳамият касб этади.

Оила ва никоҳ муносабатида эр-хотин эга бўлиши керак бўлган фазилатлар бугунги кунда маънавий бойлигимиз, миллий қадриятларимиз эканини давр тақозо этмоқда. Чунки ушбу қарашларда фарзанд тарбияси, мерос ва мажбуриятлар каби ҳуқуқий масалалар ҳам таҳлил этилган.

Ушбу ғоялар Ибн Сино қарашларида ҳам атрофлича ўз ифодасини топган. Жумладан, Ибн Сино қарашларига кўра, жамият инсонларнинг ўзаро табиий бирлашуви натижасида вужудга келганидек, жамият аъзоларининг қонунларга бўлган эҳтиёжи ҳам табиий шаклланади. Ибн Синонинг фикрига кўра, "кишилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни тўғри йўлга қўйиш учун ҳам қонунларга эҳтиёж сезилар экан, уларни қабул қилиш лозим". Қонунларни халққа етказиш ва ижро этиш учун эса, аввало, халқ бу қонунларга ишониши керак. Бу учун эса йиллар давомида халққа сингиб кетган одат ва анъаналар қонунда ифодаланган бўлиши даркор. Ҳукмдор ана шу қонунлар орқали жамиятда адолат ўрнатилишига қаттиқ ишонмоғи лозим. Чунки бу қонунлар ундан кейин ҳам жамият аъзоларига хизмат қилиши керак. Ҳукмдордан кейин унинг ишини давом эттирувчи ўринбосари бўлиб, ўринбосар ҳам ўзидан олдин амалда бўлган қонунларни яхши билиши ва уларга амал қилиши жамият аъзоларига ўрناق бўлади. Чунки халқ узоқ йиллар давомида ўрганган қонунларини яхши билади. Агар ҳукмдор ва ҳукмдордан кейинги раҳбар бу қонунларни яхши билмаса, уларга ўзи амал қилмаса, халқ унга эргашмайди ва халқнинг ўзи ўзига бошлиқ, йўлбошчи, раҳбарни танлайди.

Ибн Сино фикрича, "Аъзолари учун умумий қонунлар қарор топган мамлакатда адолатсизлик бўлиши мумкин эмас. Жамият аъзосининг адолатсизлиги жазоланиши керак. Агар ҳукмдорнинг ўзи адолатсиз бўлса, унга қарши галаён жамият томонидан маъқулланиши ва қўллаб-қувватланиши керак".

Ибн Сино ёзишича, ҳамма учун умумий ҳисобланган қонун салтанатнинг тантанаси адолатсизликка чек қўяди. Одамлар йўл қўйган адолатсизлик, шафқатсизлик, ноинсофлик ҳолатларини кескин қоралайдилар.

Лекин ижтимоий адолат - жамият аъзоларини зўрма-зўраки тенг ҳолатда сақлаб туришдан иборат эмас. Кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини менсимаслик, ҳақиқий меҳнаткашни боғибегам боқимандадан фарқламаслик, барчани қашшоқликда бараварлаштириш ижтимоий равақнинг заволидир. Агар ҳукмдорнинг ўзи адолатга зид иш тутадиган бўлса, жамият унга қарши ҳар қандай чора-тадбир қўллашга ҳақлидир, деган хулосага келган.

Ибн Сино ўзининг "Кўрсатмалар ва ўғитлар" китобида бундай ёзади: "Инсон ўз шахсий эҳтиёжларининг мустақиллиги маъносид алоҳида ажралган мавжудот эмас, чунки у ўз эҳтиёжларини инсониятнинг бошқа вакиллари билан мулоқотда бўлмай туриб қониқтира олмайди".

Одамлар ўртасида қарор топадиган алмашиш ва ўзаро муносабатлар жараёнларида ҳар бир киши ўзга кишини қандайдир эҳтиёждан халос этади, агар ҳар бир киши ҳамма нарсани ўзи бошқарадиган бўлса, унинг зиммасига ўта мураккаб, қўлидан келиши гумон бўлган вазифа ишлатилган бўларди. Бунинг натижасида кишилар ўртасида битишув, адолат ва қонуннинг қарор топган нормалари зарур бўлади, қонуншунос эса бундай қонунга алоҳида белгиларга эга бўлганлиги туфайли мажбурийликни касб этиши керак.

Ибн Синонинг ҳуқуқий қарашларидаги энг эътиборли жиҳатларидан бири оила ва никоҳ муносабатлари тўғрисидаги фикрлари муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, Ибн Синонинг фикрига кўра, қонуншунос оила ва никоҳ қонунчилигига катта эътибор бермоғи лозим. Чунки айнан, оилавий муносабатлар туфайли кишилик жамияти тараққий этади.

Шунингдек, оила- никоҳ муносабатлари тўғрисидаги қонун мукамал бўлса, ижтимоий ҳаётда тартиб қарор топади ва кишиларни ишсизликдан, ўғриликдан, талон-чиликдан, қимор ўйинлардан сақланишга олиб келади. Қонунда авлодлар тарбияси оиланинг асосий вазифаси деб белгилаб қўйилиши шарт. Оила аъзолари ўз қонуний бурчларини адо этишлари қонун билан мустаҳкамланган бўлиши лозим. Никоҳни бекор қилиниши шартлари ҳам қонуний мустаҳкамланган бўлиши керакки, бу Ибн Синонинг фикрича, оила аъзоларини оилани сақлаб қолишларига кўпроқ қаратилган бўлса, жамият учун бу қонуннинг фойдаси, аҳамияти катта бўлади. Шу жиҳатдан аёллар никоҳни бекор қилиш шартлари билан судда иштирак этишлари, эркеклар эса никоҳ бекор қилиниши учун катта жарима тўлашлари қонунда белгиланишини уқтирган. Оилавий муносабатлар учун асосий жавобгарлик эрнинг зиммасига тушади.

Шунингдек, хайрли хатти-ҳаракатларни амалга оширувчилар учун ҳам, ёмон хатти-ҳаракатларни амалга оширувчилар учун ҳам буларнинг барчаси кимга маълум бўлса ва буларнинг барчасидан хабардор ҳамда ҳар нарсага қодир бўлгандан олинанидан мукофот назарда тутилган бўлиши керак. Шунинг учун ҳакамнинг ва қонуншуноснинг устуворлигини тан олиш зарур ва одамларнинг ўз хатти-ҳаракатларида амал қиладиган сабаблардан бири уни эслаш бўлиши керак.

Ушбу мақоланинг хулосаси сифатида куйидагиларни айтиш мумкин:

1. Давлат ва жамият қурилиши, дунё халқларининг келажаги кўп жиҳатдан Шарқ Уйғониш давридаги мутафаккирлари томонидан ишлаб чиқилган ва яратилган илмий-назарий асос ва маънавий сиёсий-ҳуқуқий муҳитда белгилаб берилган, десак бу оддий ҳақиқатнинг ўзи бўлади.

2. Шарқ мутафаккирлари ўз даврида ҳуқуқшунослик фанининг барча соҳалари, жумладан, қиёсий ҳуқуқшунослик, халқаро ҳуқуқ, оила ҳуқуқи ва ҳуқуқ фалсафаси бўйича ғарб ҳуқуқшунос олимларидан юзлаб йил муқаддам изланишлар олиб бориб, илмий китоблар ёзиш билан бирга илмий хулосалар чиқаришга муваффақ бўлишган.

3. Шарқ мутафаккирларининг ҳуқуқшунослик фанига қўшган ҳиссаси натижасида Мовароуннаҳр ислом таълимоти тарқалиши ва айниқса, фикҳ, тафсири, ҳадис, калом илмлари, шунингдек, араб тили ва унга тегишли фанларнинг йирик марказига айланган ва ушбу фанлар бўйича буюк алломалар жаҳонга танилган. Мутафаккирларнинг асарлари давлат ва жамият қурилишида, сиёсий-ҳуқуқий таълимотларда, илм-фанда ҳамда амалиётда ўз аҳамиятини йўқотмай, балки асрлар давомида амалиётда фойдаланиб ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Шу билан бирга диёримиздан ислом дунёсига уч буюк сўфи сиймосида учта буюк тасаввуф мактаби (Кубровийлик, Яссавийлик ва Нақшбандийлик тариқатлари) шаклланган ва ривожланганки, ушбу таълимотларда комил инсон гоёси, одил ҳукмдор ва адолатли давлат тамойили ўз ифодасини топган.

4. Шарқ Уйғониш даври мутафаккирлари эгаллаган ва ривожлантирилган йўналишлардан бири - фикҳ бўлиб, фикҳга оид машҳур асарлар Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида вужудга келган.

Мовароуннаҳрлик фақиҳлар ҳуқуқшунослар ўзларининг чуқур билимлари, машҳур асарлари билан шариат олимлари ичида катта обрў топганлар.нафақат Мовароуннаҳр, балким бутун мусулмон дунёсининг маънавий, диний ва ҳуқуқий ҳаётига таъсири улкан бўлган. Моваруннаҳрда фикҳ бўйича яратилган асарлар, манбалар, фатво тўпламлари каби кўплаб қўлёзмалар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда. "Мовароуннаҳрда фақиҳлар маънавий баркамоллик, чуқур ақл-закоқат ва бошқа маънавий фазилатларга эга бўлишлари ва иззат-ҳурмат қозонишлари даркор бўлган".

Шу билан бирга ушбу қоидалар Моваруннаҳрда қозилар, ҳоқимлар томонидан қўлланилгани диққатга сазовордир. Жумладан, Наршахийнинг ёзишича, Сайд ибн Халаф Балхий Бухорога қози бўлгач, "яхши қонун-қоидалар ўрнатган... токи кучли киши заиф кишига зулм ўтказмасин учун (шаҳар) тўғонларини қурдириб, Бухоро сувини адолат ва инсоф юзасидан тақсим қилишни" жорий этган.

5. Шарқ мутафаккирлари калом ва ҳуқуқ соҳаларида янги фанлар ва мактабларга асос солиш билан бирга янги ҳуқуқий назариялар яратишган.

Биз бугунги кунда уларни қонуншунослик назарияси, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш дастури, қўлланмалари десак, хато бўлмайди.

Мазкур илмий асарларни ўқиб ўрганиш, уларни таржима қилиб нашр этиш ва ҳар бири устидан илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш илмий-амалий жиҳатдан беқиёс аҳамиятга эга.

Юқоридагиларни илмий таҳлил қилиб, ушбу фикрларнинг бугунги кун ва ҳаёт билан боғлаган ҳолда шундай хулоса чиқариш мумкин:

Биринчидан; - Шарқ Уйғониш даври мутафаккирларининг ҳуқуқий қарашлари

бугунги кунда ўз аҳамиятини йўқотмаган, балки бугунги кунда амалга оширилиётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларда, жиноят ва жазоларни либераллаштириш ҳақидаги ғояларда ўз ифодасини топган.

Иккинчидан; қомусий олимларнинг фикрига кўра, жамиятда жазо бутунлай йўқотилмаслиги керак, адолат юзасидан жазо белгиланиши лозимлиги ҳамда, қонунлар ва қонунчиликни такомиллаштиришга оид илгари сурилган ғоялар ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Хулоса ўрнида яна шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ҳам ёш етуқ олимлар, изланувчилар, тадқиқотчи ёшлар давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Жумладан, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича "Эл-юрт умиди" жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги фармонни эълон қилиб, хорижда яшаётган ва ишлаётган ватандошларимиз, айниқса, катта илмий салоҳиятга эга бўлган олимлар, мутахассислар ва истеъдодли ёшлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардош ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш каби мақсадларда қабул қилинди.

Демак, Шарқ мутафаккирларининг янги авлодлари, ворислари илм-фан изланишида катта имкониятларга эга бўлиб, ўз билим ва интилишлари билан Ўзбекистон ривожига янги Уйғониш даврини бошлаб беришади. Бунга "Эл-юрт умиди"нинг ишончи катта.

Бизнингча, тадқиқот бўйича қуйидаги тавсияларни илгари суриш мантиққа ҳам, мақсадга ҳам мувофиқ бўлади:

1) Шарқ қомусий олимларининг сиёсий-ҳуқуқий таълимотларини ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан янада кенгроқ, батафсилроқ тадқиқ этиш зарур.

2) "Ҳуқуқий маданиятни юксалтириш" Давлат дастурида "Ҳуқуқий кадрятларнинг ҳуқуқий маданиятни юксалтиришдаги ўрни"га бағишланган кичик банд қўшиш мақсадга мувофиқ.

Мутафаккирларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги қарашларини кенг ўрганиш, ундан ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти шаклланишида кенг фойдаланиш қонуниятга айланмоғи лозим.

Бунинг учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Форобий, Беруний, Ибн Сино асарларини ўзбек тилига тўлиқ таржима қилиб, уларни кенг жамоатчиликка етказиш керак;

- Шарқ мутафаккирларининг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотларини ўрганиш, илмий тадқиқ этиш ҳамда уни амалга ошириш йўллари бўйича яхлит концепция ишлаб чиқиш лозим;

- жумладан, ҳар бир мутафаккирнинг илмий меросини, сиёсий-ҳуқуқий таълимотларини алоҳида тадқиқ этиш, илмий изланишлар олиб бориш мақсадга мувофиқ ҳамда оммабоп рисоалар чоп этиш зарур;

- моваруннахрлик фақихларимиз қолдирган сон-саноксиз илмий асарлардан юзлаб нусха Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Тошкент ислом университети ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхоналарида, шунингдек, Шарқ ва Фарб мамлакатларидаги қўлёзмалар фондларида сақланаётган асарларни ўрганиш учун Ўзбекистонда илмий марказ ташкил этиш ҳамда бу илмий марказнинг асосий

вазифаси ушбу асарлар асосида илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда Шарқ мутафаккирларининг давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги таълимотларининг Шарқ ва Ғарб халқлари сиёсий-ҳуқуқий фикрларига таъсирини ўрганиш борасида, кенг қамровли фундаментал тадқиқотлар олиб бориш; халқаро миқёсдаги инновацион тадқиқотлар эълон қилиш концепциясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

3) Шарқ мутафаккирлари илмий меросининг муҳим йўналишлари бўйича халқаро конференциялар ўтказиш;

4) ҳуқуқшунослик, сиёсатшунослик йўналишидаги олий ўқув юртларида Шарқ Уйғониш даври ва сиёсий-ҳуқуқий таълимотлар тарихи, сиёсий-ҳуқуқий қарашларини махсус курс сифатида ўқитилишини ташкил этиш; Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиларига давлат бошлиғимиз, раҳбарларга қўйган талаб ва қоидалар асосида махсус курс ташкил этса давлат ва жамият тараққиётида ҳуқуқий қадриятлар ва бой меросимизнинг янги даврига асос солинади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. Тузувчи: Махмудов. -Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси, 1993. -224б.
(Forobiy Abu Nasr. City of Fazil people. Creator: Makhmudov. -Tashkent.: Heritage of nation named A.Kadiriyy, 1993. -224b.)
2. Форобий Абу Наср. Рисолалар.- Т.: Фан, 1975. -142б.
(Farabi Abu Nasr. Brochures. Tashkent., Science, 1975.-142 p.)
3. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёлгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар. I-ж. - Т.: Фан, 1968. - 267б.
(Abu Raykhon Beruniy. Monuments of ancient peoples // Beruniy A.R. Selected Works. Vol.1. - Tashkent., Science, 1968. - 267b.)
4. Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. V-ж. - Т.: Фан, 1973. -189б.
(Abu Raykhon Beruniy. Selected Works, Vol.5, Tashkent., Science. 1968.-267 p.)
5. Абу Райҳон Беруний. Ҳиндистон // Беруний А.Р. Танланган асарлар. II-ж. - Т.: Фан, 1968.-237б.
(Abu Raykhon Beruniy. India // Selected Works, Vol.2, pp. Tashkent., Science. 1968.-267 p.)
6. Ибн-Сина. Избранное / Под ред. Сагадеева А.В. - М.: Книга, 1980. -220 с.
(Ibn Sina. Selected / Ed. Sagadeeva A.V. - M.: Book, 1980. -220 p.)
7. Ибн-Сина. Даниш-Намэ: Книга знания / Пер. и предисл. А. М. ... В. И. Ленина. - Сталинабад:Таджикское гос. изд-во, 1957. - 286с.
(Ibn Sina. Danish-Name: Book of Knowledge / Trans. and foreword A. M. V.I. Lenin. -Stalinabad: Tajik state publishing house, 1957. - 286 p.)

Хосият Маматкулова,

Преподаватель кафедры Уголовно-процессуального
права и криминалистики Ташкентского
государственного юридического университета
E-mail: m_khosiyat@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-1-2>

РОЛЬ ЭКСПЕРТА И СПЕЦИАЛИСТА В РАССЛЕДОВАНИИ ПРЕСТУПЛЕНИЙ В СФЕРЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Аннотация: в статье анализируются понятие и значение специальных знаний, формы использования специальных познаний, роль эксперта и специалиста в расследовании преступлений, их правовой статус. Также проанализированы нормы зарубежных стран касательно данных вопросов, в частности Германии, Испании и Канады. По итогам анализа выработаны предложения по совершенствованию норм национального уголовно-процессуального законодательства.

Ключевые слова: специальные познания, формы использования специальных познаний, свидетель-очевидец и свидетель-эксперт, показания эксперта, права обвиняемого и подозреваемого.

Xosiyat Mamatkulova,

Toshkent davlat yuridik universiteti
Jinoyat-prosessual huquqi va
kriminalistika kafedrası o'qituvchisi
E-mail: m_khosiyat@mail.ru

EKSPERT VA MUTAHASSISNING INFORMATSION TEKNOLOGIYALAR SOHASIDAGI JINOYATLARNI TERGOV QILISHDAGI O'RNI

Аннотация: mazkur maqolada maxsus bilimlarning tushunchasi va o'rni, maxsus bilimlarni qo'llash shakllari, ekspert va mutaxassislarining jinoyatlarni tergov qilish jarayonidagi o'rni va ularning huquqiy maqomi tahlil etilgan. Shu bilan birgalikda xorijiy mamlakatlarning, xususan Germaniya, Ispaniya va Kanadaning ushbu sohadagi normalari tahlil etilgan. Tahlil natijasida milliy jinoyat-prosessual qonunchiligini takomillashtirish bo'yicha takliflar ishlab chiqilgan.

Калит so'zlar: maxsus bilimlar, maxsus bilimlarni qo'llash shakllari, guvoh va guvoh-ekspert, ekspert ko'rsatmalari, gumonlanuvchi va ayblanuvchi huquqlari.

Khosiyat Mamatkulova,

Teacher of the Department of Criminal
Procedure Law and Criminalistics
of the Tashkent State University of Law
E-mail: m_khosiyat@mail.ru

THE ROLE OF AN EXPERT AND A SPECIALIST IN THE INVESTIGATION OF CRIMES IN THE FIELD OF INFORMATIONAL TECHNOLOGIES

Annotation: The concept and meaning of special knowledge, the form of using special knowledge, the role of an expert and a specialist in the investigation of crimes, their legal status are analyzed in the article. The norms of foreign countries regarding these issues, particularly Germany, Spain and Canada have been analyzed too. According to the results of the analysis, proposals were developed for improving the norms of the national criminal procedure legislation.

Key words: special knowledge, forms of using special knowledge, witness and expert-witness, expert testimony, the rights of the accused and the suspect.

For citation: Khosiyat Mamatkulova. THE ROLE OF AN EXPERT AND A SPECIALIST IN THE INVESTIGATION OF CRIMES IN THE FIELD OF INFORMATIONAL TECHNOLOGIES. Journal of Law Research. 2019, 1 vol., issue 1, pp. 13-18

В процессе раскрытия и расследования преступлений, судебного решения вопросов, требующих профессиональных знаний в различных областях науки, техники, искусства или ремесле. Исследование признаков и следов преступления - это познание данных о событии, нередко характеризующемся неподдающимися наблюдению процессами либо процессами, признаки которых понятны только специалистам, профессионалам. При современном уровне развития науки и техники уголовное судопроизводство невозможно без использования современных достижений естественных, технических, экономических и других наук, которые принято называть специальными знаниями. Поэтому институт специальных познаний составляет неотъемлемую и очень важную часть как практической деятельности по собиранию, проверке и оценке доказательств, так и ее уголовно-процессуальной формы.

Необходимость применения специальных познаний при выявлении и расследовании преступлений становится особенно очевидной, когда возникает необходимость изучения средств компьютерной техники и компьютерной информации. В подобных случаях следователи, судьи, оперативные работники обращаются к лицам, располагающим такими познаниями - специалистам.

Таким образом, недостаток познаний, выходящих за пределы профессиональных навыков следователей, при необходимости восполняется привлечением к расследованию субъектов, для которых такие познания являются профессиональными. Подобные познания в уголовно-процессуальном законодательстве именуется специальными. Достоинство специальных познаний состоит в том, что они открывают по сути неограниченные возможности для достоверного использования достижений науки и техники при расследовании преступлений в порядке, установленном законом.

Своеобразным признанием повышения роли специальных познаний в собирании, исследовании и использовании доказательств является расширенные полномочия специалиста в Уголовно-процессуальном кодексе Республики Узбекистан (далее по тексту - УПК РУз). В статье 69 УПК РУз указывается, что специалист привлекается к участию в процессуальных действиях для содействия в обнаружении и закреплении доказательств, применения технических средств в исследовании материалов уголовного дела, постановки вопросов эксперту, разъяснения сторонам и суду вопросов, входящих в его профессиональную компетенцию. Нельзя отрицать важность специальных познаний в процессе доказывания, но несмотря на это, в законодательстве не закреплено понятие "специальные познания".

В некоторых работах термины "специальные знания" и "специальные познания" используются авторами по очереди, как синонимичные, однако такой подход вызывает определенные возражения и рядом авторов, проводились исследования соотношения понятий "знание" и "познание", высказывалось мнение о преимуществе использования того или иного термина [1].

Для достижения целей, поставленных в настоящей работе, следует, прежде всего, кратко определить значение используемых терминов: "специальные знания (и/или познания)" и "специалист", "эксперт". Правильное понимание значений указанных словосочетаний, а также их процессуальное положение важно, как для успешного решения экспертных задач, так и для использования специальных знаний в различных формах.

Следует определить понятие "знание" и "познание" с помощью такого же слова вряд ли способно привести к пониманию его сущности. В теории познания словосочетания "специальные познания", "специальные знания" и "специальные научные знания" не существуют, они свойственны только специфической правовой сфере. В юридической литературе равнозначно с термином "знание", используется термин "познание". Однако с философской и лингвистической точки зрения термины "знание" и "познание" не являются синонимами, хотя и переключаются между собой.

Знание:

1. Постижение действительности сознанием; наука;
2. Совокупность сведений, познаний в какой-нибудь области [2].

Во втором значении знание понимается как полученная различными способами совокупность сведений, касающихся определенного явления, события, деятельности, конкретной сферы среды обитания человека и т.д. Такие знания получаются, как правило, в процессе обыденной жизнедеятельности.

Познание:

1. Приобретение знания, постижение закономерностей объективного мира;
2. Совокупность знаний в какой-нибудь области [3].

В соответствии с толкованием С.И.Ожегова и Н.Ю.Шведовой, этим словом обозначается некий процесс отражения и воспроизведения действительности в мышлении субъекта, результатом которого является новое знание о мире [2], т.е. приобретение знания, постижение закономерностей объективного мира практической деятельности.

С философской точки зрения, знание - есть результат процесса познания, истинность которого проверяется в ходе практики. Познание - деятельность по получению хранения, переработке и систематизации осознанных понятийных образов [4].

В.Н.Махов считает, что употребление термина "специальные знания", является более точным, чем термин "специальные познания" [5]. Но данное мнение поддерживается большинством авторов [6]. Однако встречается и противоположное мнение так, например, Е.В.Селина считает, что термин "познания" более точным, охватывающим знания, умения и навыки [7].

В.А.Нагорный [8] даёт следующее промежуточное определение понятию специальных знаний - это общеизвестные знания в области науки, техники, искусства или ремесла, приобретенные в результате профессиональной подготовки и практического опыта их носителя и используемые в целях установления обстоятельств, подлежащих доказыванию по уголовному делу. Также он выделяет несколько признаков, составляющих их сущностную основу:

- 1) количественный признак, заключающийся в ограниченном числе субъектов - носителей специальных знаний;
- 2) качественный признак, заключающийся в целенаправленном обучении и профессиональной подготовке носителя специальных знаний, выходящих за рамки общедоступных, содержащихся в общеобразовательных программах обучения;
- 3) конечная цель использования полученных знаний - установление обстоятельств, подлежащих доказыванию по уголовному делу;
- 4) содержание специальных знаний: конкретные сведения в области науки, техники, искусства или ремесла.

В уголовно-процессуальной науке выделяют две процессуальных формы использования специальных познаний в уголовном процессе: судебная экспертиза и участие специалиста в процессе доказывания по уголовному делу [9]. При этом следует заметить, что авторы, определяющие формы специальных познаний, употребляют термины "использование" или "применение" в равной степени, не указывая и не оговаривая их различия. Наряду с процессуальными, выделяют также непроцессуальные формы использования специальных познаний. В частности, в литературе указывают на привлечение специалистов к производству экспертизы; привлечение специалистов для производства ревизий и документальных проверок, так называемая "несудебная экспертиза", консультативно-справочную деятельность специалиста, привлечение специалиста к анализу причин и условий, способствующих совершению преступления [10].

Классификацию форм использования специальных знаний можно провести по следующим основаниям: 1) в зависимости от доказательственного значения результатов использования специальных знаний - на процессуальные и непроцессуальные; 2) в зависимости от стадии уголовного процесса - на использование специальных знаний на стадии возбуждения уголовного дела, предварительного расследования, подготовки дела к судебному заседанию, на стадии судебного разбирательства; 3) в зависимости от инициатора использования специальных знаний: использование специальных знаний по инициативе государственных органов и должностных лиц, ведущих уголовное судопроизводство; использование специальных знаний по инициативе защитника и обвиняемого; использование специальных знаний по инициативе потерпевшего и обвинителя [10].

Как известно, изучение законодательства и опыта зарубежных стран служит возможностью выявления норм, которые могут быть применены в национальном законодательстве. Так, в Уголовно-процессуальном кодексе Германии нормы, касающиеся применения специальных знаний отражены в 7 разделе (ст. 72-93). В

отличие от законодательства Республики Узбекистан в УПК Германии понятия эксперта и специалиста не разграничиваются. В соответствии со статьей 72 УПК Германии, статьи, относящиеся к свидетелям, также считаются относящимися и к экспертам [11]. Также следует отметить, что согласно статье 74 вышеуказанного акта условия отвода эксперта идентичны с предусмотренными для судей, однако допрос эксперта в качестве свидетеля не является основанием для его отвода. Также статья 78 УПК Германии предусматривает возможность осуществления судами контроля над деятельностью экспертов. Кроме того представляет интерес и статья 79 (клятва эксперта) определяет, что по усмотрению судьи эксперт может быть привлечен к даче клятвы. Такая клятва дается после дачи экспертного заключения, что подтверждает объективность и полноценность, а также справедливость проведенного экспертного исследования.

В соответствии с Уголовно-процессуальным кодексом Испании [12], обвиняемый может ходатайствовать прокурору о производстве следственных действий, в том числе и экспертизы. Также представляет интерес, что при осмотре трупа и установлении степени тяжести телесных повреждений подозреваемое лицо наряду с назначенным экспертом, может привлекать и своего личного эксперта (ст.350 УПК), также при производстве химических исследований личный эксперт может наравне с экспертом стороны обвинения производить исследование (ст.356 УПК). Расходы, связанные с реализацией вышеприведенных прав покрываются самим подозреваемым лицом, привлечшим своего личного эксперта (ст. 471 УПК). Считаем целесообразным имплементацию данных норм в национальное уголовно-процессуальное законодательство.

Также представляет интерес и регулирование данного круга вопросов в уголовно-процессуальном законодательстве Канады [13]. Уголовно-процессуальный кодекс Канады был принят в 1985 году, а также регулируется законом "О доказательствах", который состоит из 54 пунктов. Так в соответствии с нормами вышеуказанных актов различаются такие понятия, как свидетель-очевидец преступления и свидетель-эксперт. В свою очередь, заключение эксперта расценивается как показания свидетеля. В соответствии с данным законом, в судах по уголовным и гражданским делам каждая из сторон может привлекать до 5 свидетелей-экспертов, заключение которых имеет доказательственное значение по делу (7 пункт закона). При этом для привлечения таких свидетелей-экспертов не нужно получать согласия судьи или председателя суда.

Исходя из вышеприведенного анализа, были выработаны следующие выводы. Специальные знания - это профессиональные знания в отдельной сфере науки, техники и ремесла, которые используются в обнаружении, собирании, оценке доказательств, связанных с преступлением посредством современных исследовательских методов, которые в дальнейшем используются для возбуждения уголовного дела, предварительного следствия и судебного разбирательства по уголовным делам. В свою очередь, формы использования специальных знаний могут быть классифицированы по различным основаниям (в зависимости от доказательственного значения результатов использования, от стадий уголовного процесса, от инициатора использования специальных знаний).

Предлагается статью 46 УПК (Права и обязанности обвиняемого) и статью 48 УПК (Права и обязанности подозреваемого) после слов "представлять доказательства" добавить словами "привлекать эксперта за свой счет". Введение

данной нормы позволит обеспечить указанным участникам дополнительные права, при этом наряду с защитой от несправедливого обвинения, повысить качественно процесс установления истины.

Предлагается статью 67 УПК изложить в следующем порядке: "В качестве эксперта может быть вызвано любое физическое лицо, обладающее специальными знаниями и навыками в области науки, техники, искусства или ремесла, необходимыми для дачи заключения, а также не заинтересованное в исходе дела".

В статью 78 (часть 2) УПК "Обстоятельства, исключающие участие в деле эксперта, специалиста, переводчика, понятого" следует ввести норму следующего содержания: "допрос эксперта в качестве свидетеля не может являться основанием для его отвода". Также, в целях обеспечения полной реализации принципа равенства участников уголовного процесса в часть первую статьи 179 УПК "Права подозреваемого, обвиняемого, подсудимого при назначении и производстве экспертизы" наряду с правами подозреваемого, обвиняемого, подсудимого, следует ввести права свидетеля, потерпевшего, гражданского истца, гражданского ответчика или их представителей.

Сноски /Иқтибослар /References

1. Махов В.Н. Использование знаний сведущих лиц при расследовании преступлений / В.Н. Махов - М.: РУДН, 2006 (Makhov V.N. The use of knowledge of knowledgeable persons in the investigation of crimes / V.N. Makhov - Moscow: RUDN, 2006);
2. Ожегова С.И. и Шведовой Н.Ю. Толковый словарь русского языка © Very Ltd., Израиль, 2016 (Ozhegova S.I. and Shvedova N.Yu., Dictionary of the Russian Language © Very Ltd., Israel, 2016);
3. Ожегов С.И. Словарь русского языка / Изд. 17-е, под ред. Шведовой Н.Ю. - М.: Русский язык, 2013. - С. 201, 473 (Ozhegov S.I. Dictionary of the Russian language / Ed. 17th Ed. Shvedova N.Yu. - M.: Russian language, 2013. - p. 201, 473);
4. Алексеева А.П. Краткий философский словарь. - М.: "Проспект", 2005 (Alekseeva A.P. A brief philosophical dictionary. - M.: "Prospect", 2005);
5. Махов В.Н. Использование знаний сведущих лиц при расследовании преступлений / В.Н. Махов - М.: РУДН, 2006. - С. 38-39 (Makhov V.N. The use of knowledge of knowledgeable persons in the investigation of crimes / V.N. Makhov - Moscow: RUDN, 2006. - p. 38-39);
6. Сахнова Т.В. Судебная экспертиза. - М.: Городец, 2. - С. 10 (Sakhnova T.V. forensic expertise. - M.: Gorodets, 2. - p.10);
7. Селина Е.В. Применение специальных познаний в уголовном процессе / Е.В. Селина - М.: Юрлитинформ, 2012 - С.7 (Selina E.V. The use of special knowledge in criminal proceedings / E.V. Selina - Moscow: Yurlitininform, 2012. - P.7);
8. Нагорный В.А. Понятие и признаки специальных знаний в уголовном процессе // Юридическая наука, 2013. №4, С.147 (Nagorny V.A. The concept and characteristics of special knowledge in the criminal process // Legal science, 2013. №4, С.147);
9. Кудрявцева, А.В. Использование судебно-медицинских познаний в расследовании преступлений. - Санкт-Петербург, 2001. - С.57 (Kudryavtseva A.V. The use of forensic knowledge in the investigation of crimes. - St.Petersburg, 2001. - p.57);
10. Классен Н.А. Основания классификации форм использования специальных познаний в уголовном процессе России // Вестник Оренбургского государственного университета, 2008., №83 С.-101-102,103 (Klassen N.A. Grounds for the classification of forms of using special knowledge in the criminal process of Russia // Bulletin of Orenburg State University, 2008., №83 S.-101-102,103);
11. Kommentar, russische ?bersetzung der StPO Dr. Pavel Golovnenkov, ass. iur., Natalia Spitsa, ass. iur., M.A. Einf?hrung in das deutsche Strafprozessrecht Prof. Dr. Uwe Hellmann. Universit?tsverlag Potsdam 2012. P.124 (Comment, Russian translation of the StPO Pavel Golovnenkov, ass. iur., Natalia Spitsa, ass. iur., M.A. Introduction to German Criminal Procedure Law Prof. dr. Uwe Hellmann. University Publishing Potsdam 2012. P.124);
12. https://e00-elmundo.uccdn.es/documentos/2013/06/04/codigo_procesal_penal.pdf // C?digo procesal penal (Criminal Procedure Code of Spain);
13. Canada Evidence Act. R.S.C., 1985, P.5. <http://laws-lois.justice.gc.ca>.

Нарзуллаев Олим Холмаматович,

Тошкент давлат юридик университети
"Фуқаролик процессуал ва иқтисодий
процессуал ҳуқуқи" кафедраси доценти,
юридик фанлар номзоди
E-mail: nau-xau@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-1-3>

БИОЛОГИК РЕСУРСЛАРНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Аннотация: Экология бўйича янги қонунчилик соҳасида амалга оширилган ислохотлар натижасида, биологик хилма-хиллик, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, озоқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, ўрмонлардан фойдаланиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш, экологик сиёсат, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ масалалар ўз акини топган.

Калит сўзлар: Экология, экологик барқарорлик, ўсимлик дунёси, ҳайвонот дунёси, биологик ресурслар, генетика, биологик хилма хиллик, озиқ-овқат, ўсимлик дунёси, ўрмон, экологик-ҳуқуқий тартибга солиш, жамиятда экологик хавфсизлик, экологик экспертиза, экологик сиёсат, табиий ресурслар, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш.

Нарзуллаев Олим Холмаматович,

доцент кафедры "Гражданское процессуальное
и экономическое процессуальное право"
Ташкентского государственного юридического
университета, кандидат юридических наук.
E-mail: nau-xau@mail.ru

ОХРАНА БИОЛОГИЧЕСКИХ РЕСУРСОВ

Аннотация: В результате реформ в области экологии обсуждаются вопросы биоразнообразия, флоры и фауны, продовольственной безопасности, использования лесов и экологической безопасности, природоохранной политики и рационального использования природных ресурсов.

Ключевые слова: Экология, экологическая устойчивость, флора, фауна, биологические ресурсы, генетика, биоразнообразие, пища, флора, лес, экологическое и правовое регулирование, экологическая безопасность в обществе, экологическая экспертиза, экологическая политика, природные ресурсы, разумное использование.

Narzullaev Olim Kholmamatovich,

Associate professor of the department of "Civil
procedural and economic procedural law" of Tashkent
State University of Law, PhD in Law.
E-mail: nau-xau@mail.ru

BIOLOGICAL RESOURCES PROTECTION

Annotation: The new legislation in the field of environment law, issues of biodiversity, flora and fauna, food security, forest use and environmental safety, environmental policies and rational use of natural resources are discussed.

Key words: Ecology, environmental sustainability, flora, fauna, biological resources, genetics, biodiversity, food, flora, forest, environmental and legal regulation, environmental safety in society, environmental assessment, environmental policy, natural resources, reasonable use.

For citation: Narzullaev Olim Kholmamatovich. BIOLOGICAL RESOURCES PROTECTION. Journal of Law Research. 2019, 1 vol., issue 1, pp. 19-25

Жамиятда экологик хавфсизлик ривожланишга таҳдид солаётган ички ва ташқи омиллар сифатида қаралиб, Ҳаракатлар стратегиясида ва тегишли концепциялар ва кўрсатмалар асосида унинг таъсир доираси борган сари камайтирилиб ва бартараф этилиб борилмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳатлар натижасида ижтимоий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳаларда мисли кўрилмаган янгиликлар юз бермоқда.

Табиий муҳитни асраб-авайлаш Ерда ҳаёт давом этишининг зарурий шарти сифатида умуминсоний қадриятлардан бири ҳисобланади. Аммо буни англаб етиш жараёни жуда суст кечмоқда. Бу борадаги ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий масалалар давлат аҳамиятига эга молик бўлган масалалар қаторига киради. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий заҳиралардан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш давлат экологик сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу жараёнда вужудга келадиган мураккаб экологик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқий асосларнинг роли ва аҳамияти жуда катта.

Шуни таъкидлаш лозимки, Мустақил Ҳамдўстлик давлатларида бўлгани каби Ўзбекистон Республикасида ҳам экологик сиёсат қатор концептуал тамойилларга асосланган ҳолда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий заҳиралардан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муносабатлар бир қатор экологик қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Парламенти экологик сиёсатни амалга ошириш учун қатор концептуал тамойилларга асосланган ҳолда экологик қонунчилик ҳужжатларини қабул қилган. Шунингдек, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, унинг муҳофазасини таъминлаш ва уни соф ҳолда келажак авлодга етказиб беришни таъминлашга қаратилган 30га яқин экологияга доир махсус қонунлар ва бу қонунлар асосида кўплаб ҳуқуқат томонидан яъни 350 дан ошиқ норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Демак, табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган махсус қонунлар бўлиб, булар: "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ер ости бойликлари тўғрисида"ги, "Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги(янги таҳрирда 2016), Ер кодекси, "Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Ўрмон тўғрисида"ги қонуни(янги таҳрирда 2018), "Давлат санитария нazorати тўғрисида"ги, "Давлат

ер кадастри тўғрисида"ги, "Экологик экспертиза тўғрисида"ги, "Метрология тўғрисида"ги, "Стандартлаштириш тўғрисида"ги, "Чиқиндилар тўғрисида"ги қонуни ва ҳ.з.

Ушбу қонунчилик ҳужжатлари табиатни муҳофаза қилиш, табиий объектлардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни умумий асосларда тартибга солмасдан, балки махсус муҳофаза этади ва ундан оқилона фойдаланишга доир муносабатларни мустаҳкамлайди.

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ, бошқа соҳалар каби қишлоқ хўжалик соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислохотлар ва ўзгаришлардан кўзланган мақсад юқори ҳосилдорликка эришиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таннархини пасайтириш ва ер унумдорлигини узоқ вақт сақлаб қолишдан иборат.

Бу мақсадларга эришишнинг асосий омиллари сифатида Республикаимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримов қуйидаги фикрларни илгари сурдилар: "Ривожланган мамлакатлардан ибрат олиб, физиология, генетика, селекция соҳасида фундаментал тадқиқотларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, бу ишга давлат ёрдами мунтазам йўлга қўйиш, селекция ишининг жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланиш лозим"[1].

Ўз-ўзидан равшанки, физиология, генетика ва селекция соҳасида фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш ва бу тадқиқотларни амалиётга татбиқ этиш қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Англия зотдор моллар экспорттери ҳисобланарди. XX асрнинг 70-йилларига келиб селекция ютуғи муаллифиликда янги илмий усуллар-ген инженерияси, эмбрионларни кўчириб ўтказиш, жинсни олдиндан белгилаш, радиоактив нурланиш инқилоб ясади[2].

Айниқса, атоқли генетик ва селекция ютуғи муаллифи олим, академик Н.Ч.Вавиловнинг бу соҳадаги тадқиқотлари селекция фанида туб бурилиш ясади. Унинг ўсимликлар марказларини аниқлаш ва уларни ирсий ўзгаришларини текширишдаги илмий ишлари селекция фани ривожланишига катта ҳисса қўшди.

Ген инженерияси тадқиқотларининг асосий мақсади тирик жонзотнинг асосий унсури-генига турли таъсир ўтказиб, янги тур, нав, зот, хил яратишдан иборат[3]. Ген инженерияси усулида яратилган нав ва зотларни анъанавий селекция усулида яратилган нав ва зотлардан фарқлаш зарур. Ген инженериясида янги нав ва зот яратиш учун бир турдаги ёки бир оиладаги ҳайвонлар ва ўсимликлар эмас, балки бир-биридан бутунлай узоқ тур ва оиладаги ўсимликлар ва ҳайвонлар ўзаро ген инженерияси усулида чагиштирилади ёки сунъий равишда ген ўзгартирилади. Натижада мутлақо инсон тасаввурига сиғиши қийин бўлган гибридлар ва мутантлар (масалан, фил ва туянинг, балиқ ва товуқнинг, бўри ва қўённинг чагишмалари) юзага келади. Жаҳон жамоатчилигининг фикрича, бундай гибрид ва мутантларни яратиши мавжуд табиий мувозанатни бузиш билан бирга инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу ҳолатларни ҳисобга олиб, бундай тадқиқотларни ўтказишни таъқиқлаш зарур.

А.И.Иойрыш, О.А.Красовскийларнинг фикрича ген инженерияси бу дастурли, наслдан наслга ўтиш хусусиятига эга бўлган, анъанавий селекция йўли билан чиқаришнинг имкони бўлмаган биологик тузилмалар (хайвонлар ва ўсимликларнинг индивидуал генлари, микроорганизмлари, оқсиллари) ини олишга қаратилган услуб ва воситаларнинг йиғиндисидир. Ген инженерияси табиат қонуниятларни билишда, тибийётнинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда, саноат ва қишлоқ хўжалигининг турли хил соҳаларини мувофиқлаштириш ва уўғунлаштиришда, кўплаб экологик ва ижтимоий муаммоларининг ечимини топишда инсоннинг имкониятларини кенгайтиради ва янги жиҳатларни касб этади.

Дарҳақиқат, ҳозирги кунда ген инженерияси соҳасидаги тадқиқотлар ютуқлари инсон ҳаёти, соғлиги ва турмуш шароитининг яхшиланиши учун бир қатор фойдали воситаларнинг яратилишини таъминлади. Зеро, келажакда ген инженерияси соҳасидаги илмий тадқиқотлар ҳар қандай касалликни олдини олувчи турли вакциналарни, касалликларни тез даволовчи дори-дармонларни тайёрлашда, янгидан-янги озик-овқат маҳсулотларини пайдо бўлишида асосий восита вазифасини бажаради.

Кейинги пайтларда ген инженериясининг ютуқлари жаҳон ҳам жамияти томонидан юқори баҳоланмоқда. Зеро, кейинги қисқа вақт оралигида инсон соғлиги учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган турли дори-дармонларнинг кашф этилиши, кўп йиллар давомида тузатиб бўлмаслиги тан олинган касалликларнинг давоси топилганлиги(масалан, агар рак касалигининг бошланиш даврида, бу касалликдан батамом халос бўлиши мумкинлиги, вирусли гепатит Внинг вакцинаси топилганлиги, ҳозирда деярли барчага маълум), инсон организми гармонларининг ўсишига ёрдам берувчи турли воситаларнинг вужудга келиши айнан ген инженерияси тадқиқотларининг ҳосиласидир.

Бундан ташқари келажакда инсоният олдида турган ва ҳал этилиши йилдан-йилга қийинлашиб бораётган очарчилик, сувсизлик, табиий атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва қўйинки одам ва унинг мавжуд бўлиши билан боғлиқ деярли барча муаммоларни ҳал этишда энг асосий ва бирламчи омил бу ген инженерияси ва унинг ютуқлари бўлади, дея ҳеч иккиланмасдан айтишимиз мумкин. Айниқса, озик-овқат муаммосини ҳал этишда ва бу муаммо билан чамбарчас боғлиқ қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишда ген инженерияси тадқиқотлари юқори натижаларга эришмоқда. Зеро ҳозирги кунда бозорларимизни тўлдириб турган турли хил қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг аксарият қисми ген инженерияси ютуқлари асосида яратилган нав ва зотлардан олинган ҳосилдир. Ҳозирги кунда турли хил ҳашоратлар(масалан курт) емайдиган олма ва картошка, кемирувчилар еса ўлиши мумкин бўлган лекин одам истъеомол қилса фақат фойда кўрадиган помидор, бодринг ва шунга ўхшаш полиз экинлари борлигини инсоният ажабланмасдан қабул қилмоқда. Кейинги йилларда кўплаб ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабни қондиришда айнан ген инженерияси ютуқларидан фойдаланишмоқда. Мисол учун кейинги икки-уч йил ичида юртимиш бозорларида пайдо бўлган "америка тарвузлари"га эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг жайдари тарвузларга қараганда уруги кам бўлишини, серсув ва шираси юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

Инсоният ген инженерияси илмий тадқиқотларининг бир йўналиши ҳисобланган клонлаш усули ёрдамида қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини, ўсимликлар дунёсини ривожлантириш билан истиқболда катта ютуқларга эришишга умид боғламоқда. Масалан, яқинда АҚШ олимлари гуруч ядросидаги ДНК кодини ўзгартириш йўли билан шолининг сувсизликка чидамли навини клонлаш усулида яратишгани оммавий ахборот воситаларида эълон қилинди[4].

Ген инженерияси натижаларининг инсон учун фойдали хусусиятлари бўлиши билан бирга, унинг инсон соғлиги учун зарарли жиҳатлари борлигини ҳам эсдан чиқармаслиги керак. Яъни, муайн янги натижага эришиш йўлида амалга оширилаётган тажрибалар ва амалиётлар ижобий натижа билан бирга салбий оқибатларни ҳам вужудга келтириши мумкинлигига ҳар доим ҳам шундай тадқиқот олиб бораётган шахслар кафолат бера олишмайди. Айниқса бир туркумда бўлмаган ўсимликлар ва ҳайвонлар генининг ўзгартирилиши келажакда инсон учун қандай хавф-хатар туғдиришини олдиндан башорат қилиш қийин. Мутахасисларининг таъкидлашча баъзи касалликлар лабораториялардаги хавфсизликнинг етарли даражада таъминланмаганлигидан келиб чиққан.

Шундай экан ген инженерияси ютуқларининг жаҳон иқтисодий ва ижтимоий ривожланишидаги ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олиб, ушбу илмий тадқиқот фаолияти ва унинг натижаларини ҳуқуқий жиҳатдан тарибга солиш зарурияти юзага келади.

Ҳуқуқий табиати ва ўзига хос хусусиятларига кўра ген инженерияси натижалари (ёки ютуқлари) интеллектуал мулк объектлари жумласига киради. Зеро, ушбу ҳолатда инсон ўзининг ақлий-ижодий фаолияти орқали ўзи учун қулай ва фойдали натижага эришади. Бунда, инсоннинг ақлий-ижодий фаолияти тирик борлиқнинг барча объектлари (ҳаттоки инсон) устида олиб бориладиган илмий тадқиқотларга қаратилади. Бу фаолият тиббиёт, биология, зоология, селекция, генетика, физиология каби жонли табиат билан боғлиқ барча соҳаларда олиб борилади. Нимаики тирик мавжудот бўлса, айнан ўша ген инженерияси тадқиқотининг объекти бўлиши мумкин.

"Ген инженерияси" атамасининг ўзи биринчи навбатда, илмий тадқиқот маъносини ифодалар экан ва бундай тадқиқотлар ўзига хос жиҳатларга эга экан, ген инженериясини интеллектуал мулкнинг ноанъанавий объектлари жумласига киритишимиз мумкин. Лекин масаланинг яна бир томони борки, ҳозирги кунда ген инженериясининг ҳуқуқий тушунчаси ва уни тартибга солувчи нормалар ва ҳуқуқий қоидалар мавжуд эмас экан унинг ҳуқуқий мақоми хусусида фикр юритиш эртадай кўринади. Зеро, объектнинг ҳуқуқий мақоми уни тартибга солувчи қонун нормалари асосида аниқланади ва очиб берилади. Бироқ, фан ва техниканинг ривожланиб бориши қанчалик шиддатли бўлса, унинг ҳуқуқий тартиботи ҳам у билан ҳамоҳанг ривожланиши зарур. Акс ҳолда илм-фан ривожланишидан орқанда қолган ҳуқуқий тизим иқтисодий ва ижтимоий муносабатлардаги катта салбий оқибатларни вужудга келишига имконият туғдириши мумкин.

Интеллектуал мулк объектлари орасидан ген инженерияси натажаларига объекти, ҳуқуқий ҳолати ва яратилган янгиликлари жиҳатидан энг яқин турадигани бу селекция ютуқларидир. Шу муносабат билан биз ген инженерияси ва селекция ютуқларининг ўзаро нисбатини кўриб чиқамиз.

О.Оқюловнинг янги нав ва зотнинг бошқа услублар орқали (селекциядан бошқа), масалан, ген инженерияси орқали чиқарилиши ихтиро ҳисобланади[5], деб ҳисоблайди. Фикримизча бу ўринда ген инженерияси тадқиқотлари натижасида яратилган объектларни ихтиро сифатида тан олиш бироз баҳелидир. Инчунун, юқорида таъкидлаганимиздек ген инженерияси натижалари (ёки ютуқлари)ни интеллектуал мулкнинг ноанъанавий объектлари жумласига киритиш ва уларнинг ҳуқуқий мақомини алоҳида белгилаш лозим. Ген инженерияси натижалари селекция ютуқларидан қуйидаги белгилари билан фарқ қилади.

1) Агар селекция ютуқлари фақатгина ўсимликлар ва ҳайвонлар устида олиб бориладиган илмий тадқиқотлар ҳисобланса ген инженерияси тадқиқотлари олиб бориладиган объектлари доираси кенгдир.

2) Селекция ютуқларини яратишда анъанавий усул ва воситалардан фойдаланилса, ген инженерияси фаолиятининг асосида тирик мавжудот энг асосий элементи генини ўзгартириш, унга турли йўллар билан таъсир ўтказиш усуллари ётади.

3) Селекция ютуқларидан фарқли равишда ген инженерияси натижалари инсон соғлиги ва атроф-муҳит учун анча хавфли бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда ген инженериясининг иқтисодий-ижтимоий ҳаётдаги ўрнини ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикасининг "Ген инженерияси тўғрисида"ги Қонунини қабул қилиш зарурияти юзага келмоқда. Бундай қонунининг қабул қилиниши фан ва техниканинг жадал ривожланаётган соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар самарадорлигини ва уларнинг жамият ҳаёти учун хавфсизлигини таъминлаган бўлар эди. Ўз вақтида ген инженерияси фаолиятини тартибга солувчи қондалар собиқ Иттифоқ даврида ҳам ишлаб чиқилган эди. 1988 йил СССР Фанлар Академияси ҳузурида дезоксирибонуклинли кислоталар (ДНК) ген инженерияси фаолияти хавфсизлиги қондаларни ишлаб чиқиш бўйича комиссия тузилди. Ушбу комиссия фаолиятининг асосий мақсади мамлакатда олиб борилган биотехнология ва ген инженерияси ишларини таҳлил қилиш ва экспериментал йўналишлар ривожланишининг хавфсизлик чораларини ишлаб чиқиш эди[6].

Республикаimiz мустақиллик эришгач ген инженерияси фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига бўлган эҳтиёж юзага келди ва у ҳозирги кунгача қондирилгани йўқ.

Кўпчилик МДХ мамлакатларида айнан шу соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Масалан, Россия Федерациясида 1996 йил 5 июнда "Ген инженерияси соҳасидаги фаолиятни давлат томонидан тартибга солиниши тўғрисида"ги қонун қабул қилинган.

Шунингдек, Швейцария, Янги Зеландия, Россия, Украина, Молдавия, Арманистон, Қирғизистон, Белоруссия давлатларида ген инженерияси асосида яратилган навларни экиш кен йўлга қўйила бошланди ва бунинг ҳуқуқий асослари яратилди[7].

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, ген инженерия фаолияти объектлари ва уни экологик-ҳуқуқий тартибга солиш масаласида республикаимизда қабул биологик ресурслардан фойдаланишда озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва

хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида ҳал этишни талаб қилаётган ўта муҳим муаммолар, бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада мувофиқлаштириш ва кенг миқёсдаги халқаро ҳамкорлик, келажакка қаратилган ёндашув ва хулосаларни биргаликда ишлаб чиқишни тақозо этади. Зеро, ген инженерия фаолияти объектлари ва уни экологик-ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида жаҳоннинг турли мамлакатларида тўпланган тажриба ва амалиёт билан тизимли ва доимий равишда таҳлилий асосларда ўрганиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириб боришни талаб қилади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. -Тошкент: Ўзбекистон. 1998. -412 б.
2. Оқюлов О. Интеллектуал мулк ҳуқуқий мақомининг назарий ва амалий муаммолари.-Т. 2004.-140-141 б.
3. ИмомовН.Ф.Интеллектуал мулк объекти сифатида янги нав ва зотнинг ҳуқуқий мақоми.-Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2010. 232 б.
4. Иойрыш А.И., Красовский О.А. Правовые аспекты генной инженерии.// Государство и право. 1997.№3. С 114.
5. Оқюлов О. Правовой статус интеллектуальной собственности. Автореф.дисс....док. юрид.наук - Т.: 2000. -27 с.
6. Иойрыш А.И., Красовский О.А. Правовые аспекты генной инженерии.// Государство и право. 1997.№3. С 114.
7. Абдурахмонов Ш. Хужайрани сунъий кўпайтириш истиқболлари.//Сирли олам. 2002. №8. Б.12.

Худайкулов Ферузбек Хуррамович,

ТДЮУ Жиноят ҳуқуқи ва криминология
кафедраси ўқитувчиси
E-mail: dr_prof@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-1-4>

ЖИНОЯТ ТАРКИБИ ОБЪЕКТИВ ТОМОНИ ВА УНИНГ ФАКУЛЬТАТИВ БЕЛГИЛАРИ: НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Аннотация: мазкур мақолада жиноят объектив томони ва унинг факультатив белгилари, уларнинг ўзига хос жиноят-ҳуқуқий жиҳатлари, хусусан, уларнинг жиноят қонунчилигида назарда тутилиши, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига келтирилган айрим жиноят объектив томони ва унинг факультатив белгилари билан боғлиқ назарий ва амалий муаммолар ёритилган бўлиб, бу борада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленум қарорини такомиллаштириш бўйича аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жиноят объектив томони, ижтимоий хавфли қилмиш, ижтимоий хавфли оқибат, сабабий боғланиш, жиноят содир қилиш жойи, вақти, усули, ҳолати, қуроли, ва воситаси, қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсалардан фойдаланиш.

Худайкулов Ферузбек Хуррамович,

Преподаватель кафедры Уголовное право
и криминологии ТГЮУ
E-mail: dr_prof@mail.ru

ОБЪЕКТИВНАЯ СТОРОНА СОСТАВА ПРЕСТУПЛЕНИЯ И ЕЕ ФАКУЛЬТАТИВНЫЕ ПРИЗНАКИ: ТЕОРЕТИКО- ПРАКТИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ И ИХ РЕШЕНИЕ

Аннотация: в данной статье представлены объективная сторона состава преступления и ее факультативные признаки, их уголовно-правовые аспекты, в том числе теоретические и практические проблемы некоторых факультативных признаков объективной стороны преступления, которые указаны в Уголовном кодексе Республики Узбекистан. Кроме того, разработаны предложения и рекомендации по дальнейшему совершенствованию уголовного законодательства и постановления Пленума Верховного суда Республики Узбекистан.

Ключевые слова: общественно опасное деяние, общественно опасное последствие, причинная связь, место, время, способ, обстановка, средства и орудия совершения преступления, жилище, хранилище или иное помещение, умышленное убийство с применением оружия или других предметов, использованных в качестве оружия.

THE OBJECTIVE SIDE OF THE CRIME STRUCTURE (CORPUS DELICTI) AND ITS FACULTATIVE SIGNS: THEORETICAL-PRACTICAL PROBLEMS AND THEIR SOLUTIONS

Annotation: this article illustrates the objective side of the crime structure and its facultative signs and their criminal legal significances, including the theoretical and practical problems of facultative signs of the objective side of the crime structure, which are specified in the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. In addition, proposals and recommendations for further improvement of the criminal legislation and the decision of the Plenum of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan.

Key words: facultative signs of the objective side of the crime; the place, the time, the manner, the means and conditions of commission of a criminal offence, socially dangerous act; socially dangerous consequences; causal link, dwelling, depository or other premise, intentional killing with other objects used as a weapon.

For citation: Feruzbek Khurramovich Khudaykulov. THE OBJECTIVE SIDE OF THE CRIME STRUCTURE (CORPUS DELICTI) AND ITS FACULTATIVE SIGNS: THEORETICAL-PRACTICAL PROBLEMS AND THEIR SOLUTIONS. Journal of Law Research. 2019, 1 vol., issue 1, pp. 26-35

Инсоннинг ҳар қандай фаолияти, шунингдек, қонунга хилоф фаолияти (жиноят ҳуқуқида - ижтимоий хавfli қилмиши) ҳам ўзида бир бутун объектив (ташқи) ва субъектив (ички) белгиларни ифодалайди [1, С 160].

Одатда инсон фаолияти объектив ва субъектив томонлар (белгилар) дан иборат бўлади. Жумладан, унинг жиноий хулқ-атвори ҳам бир-бири билан боғлиқ объектив ва субъектив томонлар йиғиндисидан ташкил топади. Жумладан, шахс ўз жиноий хулқ-атворидан субъектив ва объектив томонлардан иборат ижтимоий хавfli, қонунга хилоф, айбли қилмишни ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги билан муайян жойда ҳамда усулда содир этади, шунингдек, бу қилмиш жиноят қонуни билан кўриқланадиган объектга зарар етказадиган ёким зарар етказиш реал хавfli остида қолдирадиган деб топилади ҳамда жазога сазовор бўлади. Хусусан, иштирокчиликда содир этилган жиноятларда субъектив ва объектив томонлар ифодаланиши бошқачароқдир.

Жумладан, бажарувчилардан ташқари ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчилар ҳам қатнашган иштирокчиликда эса, аҳвол бироз бошқачароқ бўлиб, бажарувчи ўша жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларни амалга оширса, ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи ўша жиноятнинг объектив томонини ифодаловчи ҳаракатларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисмини бажаришда ҳам қатнашмайди. Булар фақат жиноятни содир этиш учун шароит яратиб беради ҳолос [2, Б. 90].

Инсоннинг ҳар қандай фаолияти, шунингдек, жиноий фаолиятини ҳам иккита таркибий қисмга бўлиш мумкин: интеллектуал-иродавий - қайсики муайян қарор

қабул қилишда, белгиланган мақсадларга эришишдаги чора ва йулларни англаб етишдаги фаолият, шунингдек, муайян аниқ хатти-ҳаракатларни мавжуд усулда, қабул қилинган қарорни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган амалий фаолият. Инсоннинг юқоридаги иккинчи фаолиятини объектив томон деб номлаш қабул қилинган [3, С 6].

Жиноят таркиби объектив томони одатда, жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиш реал хавфини вужудга келтирадиган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)ни ифодалайди [4, Б 30].

Шахснинг содир этган қилмиши бир вақтда ҳам субъектив, ҳам объектив бўлади, шунинг учун, унда англаш ва амалга ошириш, мотив ҳамда мақсадлар намоён бўлади, шунингдек, у ўзида ташқи оламга бўлган инсоннинг таъсир этиш шаклини ифодалайди.

Инсон қилмишининг руҳий ва жисмоний хусусияти улар умумийлик ва бир-бири билан боғланган бўлиб, унинг туб моҳиятини ташкил этади. Инсон хатти-ҳаракати ва унинг объектив натижаси, умумий тарзда субъектив ҳолатидан мустақил олинади.

Жиноят таркибининг элементларидан бири - бу объектив томони ва уни тавсифловчи белгилардир. Жиноят таркиби объектив томони ва уни тавсифловчи барча белгиларни тўғри аниқлаш ҳамда баҳолаш, шунингдек, бу соҳага тегишли масалаларни тўғри ҳал қилиш қилмишни малакали квалификация қилинишига олиб келади [5, С 5].

Жиноятнинг объектив ва субъектив томонлари жиноят ҳодисасини бир хил қамраб олади, аммо, биринчиси ўз ичига ҳаракатланувчи шахс онгидан ташқари объектив борликда юз берадиган жараёнларни, иккинчиси эса, - унинг онгида бўладиган жараёнларни қамраб олади [6, С 4].

Жиноят ҳуқуқи назариясида жинойий қилмишнинг руҳий-жисмоний умумийлиги таъкидланар экан, субъектив томони, яъни жиноятни содир қилган шахсга оид хусусиятларни, мотиви ва мақсадининг намоён бўлишини ўрганиш кераклиги, шунингдек, объектив томони, яъни, мавжуд жиноятни, жиноят қонуни билан кўриқланадиган манфаатларга қаратилган тажовузни ўзида акс эттирадиган, ташқи жинойий хулқдан иборат ҳаракат ёки ҳаракатсизлик сифатида ўрганиш кераклиги ҳақида фикр юритилади.

Инсоннинг ҳар бир онгли ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги икки томонлама хусусиятга эга бўлиб, булар бевосита жинойий қилмишларга ҳам тегишлидир. Булар қилмишнинг ички ва ташқи хусусиятларидир. Қилмишнинг ички хусусиятлари кишининг онгидаги хусусиятлари бўлиб, қилмишнинг субъектив томони деб айтилади. Қилмишнинг ташқи хусусиятлари эса киши онгидаги хусусиятлари унинг бевосита ҳаракати ёки ҳаракатсизлигида ифодаланган ташқи хусусиятлари бўлиб, қилмишнинг объектив томони, деб айтилади [7, Б 169].

Жиноятнинг объектив томони деб - содир қилинган ижтимоий хавфли қилмишнинг ташқи томони хусусиятларини ифодаловчи қонун томонидан ўрнатилган белгилар мажмуига айтилади [8, Б 30].

Жиноят объектив томони ўзида муайян жой, вақт ва ҳолатларда, шунингдек, муайян усулда содир бўладиган жинойий хулқдан иборат қилмишнинг ташқи кўринишини ифодалайди.

Жумладан, бунни қуйидаги ҳукми таҳлил қилиш орқали ифодалаймиз:

Вояга етмаган А 2016 йил 10 сентябрь куни соат 18:00 ларда ўзлари билан бир маҳаллада яшовчи Б.нинг яшаш уйига суг олиш учун бориб, Б. иш блан чалғиб турган вақтида ҳовлисидаги супа устида турган Б.га тегишли бўлган "Samsung LaFleur GT-3520" русумли уяли алоқа телефонини яширин равишда талон-тарож қилган. А. Ўз.Р ЖКнинг 169-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилган. Ўз.Р ЖКнинг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 661-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, вояга етмаган А нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатилган [9, 1-253-сонли жиноят иш].

Юқоридагидан кўришиб турибдики, А. томонидан содир этилган жиноят муайян жой, вақт (2016 йил 10 сентябрь) ва ҳолатларда, шунингдек, муайян усулда (яширин) содир бўладиган жинoий хулқдан иборат.

Инсон хатти-ҳаракатини объектив ва субъективга бўлиниши одатда жиноят объектив ва субъектив томонни ўрганишда муайян чегарада жинoий характер касб этади. Жиноят таркибининг объектив ёки субъектив томонларини ўрганиш аллақачон жиноят ҳуқуқида бошланган ва қонунни қўллаш фаолиятида мавжуд бўлган кўплаб масалаларни ҳал қилишда ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Жиноят таркиби, унинг элементлари ва белгилари жиноят ҳуқуқий категориялар бўлиб, жинoийни квалификация қилиш воситаси ҳисобланади.

Жиноят ҳуқуқи фанида жинoий хулқ-атворни объектив ва субъектив қисмларга бўлиш амалиёти эътироф этилиб, қилмиш объектив томоннинг зарурий белгиларидан бири бўлса, уни содир этган шахснинг ўз қилмишига бўлган руҳий муносабати эса субъектив томондан ўрганилади. Шак-шубҳасиз бошқа белгилар (жинoий оқибат, сабабий боғланиш, жиноят содир қилиш жойи, вақти, усули, воситаси, қуроли ва ҳолати) объектив томоннинг белгиларидан келиб чиқади, ammo руҳий жараёнлар (қилмишни содир этган шахснинг руҳий ҳолати, хулқ-атвори) жиноят содир қилиш билан бевосита боғлиқ бўлади. Руҳий жараёнлар субъектив томон доирасида жиноят содир қилишга руҳий муносабат сифатида қабул қилинади.

Жиноят объектив томонини жиноят содир этиш жараёнини тавсифловчи ташқи белги сифатида қабул қилганда, шуни назарда тутиш керакки, қилмиш қилмишга нисбатан субъектив, психологик муносабатдан, нуқтаи назардангина "ташқи" ҳисобланади [10, С 11].

Шунинг учун, биз жиноят объектив томони доирасидан субъектив белгиларини ажралишини тўғри, деб ҳисобламаймиз ва бу масалага бўлган одатий ёндашувларни ажратамиз.

Жиноят объектив томонини ўрганиш учун жиноят таркиби тушунчасини аниқлаш зарур ҳисобланади.

Жиноят таркиби тўғрисидаги биринчи фикр-мулоҳазалар XVI асрга бориб тақалади. Фақат XIX аср охирига қадар (бир қанча мамлакатларда ва ҳозирги вақтга қадар) жиноят таркиби деганда (лот. *corpus delicti*) жиноят содир қилинган ашёвий далил тушунилган. Жумладан, қасддан одам ўлдиришда мурданинг мавжудлиги, эшик ёки деразани бузиб содир этиладиган ўғирликда изларнинг қолиши ва бошқалар [11]. Ҳақиқатдан ҳам *corpus delicti* жиноят-ҳуқуқидан кўра кўпроқ жиноят-процессуал тушунча ҳисобланади [12, С 33] Шунинг назарда тутиш керакки, рим ҳуқуқида жиноят таркиби "*corpus delicti*" - жиноят тузилиши деб номланган [13, С 115].

Жиноят ҳуқуқида "жиноят таркиби" тушунчаси қонуний эмас, кўпроқ назарий тушунча ҳисобланади. Дунёдаги кўплаб мамлакатларда мазкур ҳуқуқий категориядан фойдаланилмайди, у англо-америка прецедент ҳуқуқида ҳам қўлланилмайди. Бунинг ўрнига "қилмиш" ва "жиноят" атамалари қўлланилади, шунингдек, улар ҳам объектив ва субъектив элементларга бўлинади: масалан, француз жиноят ҳуқуқида моддий (ўзи-ўзидан жинойий қилмиш ёки ҳаракатсизлик), руҳий (айб) ва қонун чиқарувчи (содир этилган қилмиш учун жазо билан қўрқитишнинг жиноят қонунида белгиланиши) элементларидан фойдаланилади. Германия Федератив Республикаси ЖК сида қилмиш таркиби (немисча, Tatbestand) ва "қонунда назарда тутилган жиноят таркиби" таърифини ўз ичига олади, қайсики улар жиноят-ҳуқуқий нормада мустаҳкамланган қилмишнинг объектив ва субъектив белгилари йиғиндиси сифатида тушунилади; жиноят-ҳуқуққа ҳилоф қилмиш қонун таркибида назарда тутилган қилмишни амалга оширади. Бу классик жиноят ҳуқуқининг мазмунига мувофиқ келадиган таъриф Биндинг ва Белинг асарларида берилган бўлиб, унга кўра жиноят таркиби жиноят-ҳуқуқий диспозиция нормалари билан бирга тенглаштирилади [14, С 166, 177].

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят таркибига турлича таърифлар берилган. Адабиётлардаги жиноят таркибини аниқлашга доир фикр-мулоҳазалардаги умумий, яъни бу жиноят таркиби тушунчасини объектив ва субъектив белгилар йиғиндисидан иборат эканлиги эътироф этилиб, содир этилган қилмишни жиноят, деб топишда муҳим аҳамият касб этишидир.

Бир мунча умумий таърифни В.Б.Малинин ва А.Ф.Парфеновлар [15, С 6], А.Н.Трайнин [16, С 75] беришган, унга кўра "жиноят таркиби ўзида Жиноят кодексига мустаҳкамланган ижтимоий хавфли қилмишни жиноят сифатида белгилайдиган объектив ва субъектив белгиларнинг йиғиндисидир.

М. Усмоналиев эса, "жиноят қонунида кўзда тутилган муайян ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг жинойийлигини ифодаловчи томонлар (элементлар) йиғиндисига жиноят таркиби деб айтилади" [17, Б 128] - деб таъкидлаб ўтади.

А.С.Якубов эса, содалашган аниқ таърифни берган бўлиб, унинг фикрича, жиноят таркиби - маълум бир ижтимоий хавфли қилмишни жиноят деб характерловчи объектив ва субъектив белгиларининг минимал ва етарли йиғиндиси [18, С 95].

"Минимал" сўзи - "содир этилган қилмишида жиноят таркибининг бирон-бир зарурий элементи мавжуд бўлмаганида шахс жинойий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас" маъносини англатади. "Етарли" тушунчаси эса шахсни жинойий жавобгарликка тортиш учун Жиноят кодексига кўрсатилган объектив ва субъектив белгиларидан ташқари бошқа қўшимча маълумотларнинг аниқланиши шарт эмаслигини билдиради [19, С 60].

Жиноятнинг асосий таркиби деганда жинойий қилмишда муайян бир жиноятга хос бўлган объектив ва субъектив белгилар мажмуининг мавжудлигини тушунамиз [20, Б 61].

Бизнинг фикримизча, жиноят таркиби Жиноят кодекси Махсус қисми муайян моддасида назарда тутилган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)ни жиноят эканлигини белгилайдиган объектив ва субъектив белгиларининг бир бутун, тизимли йиғиндисидир. Объектив ва субъектив

белгиларнинг бир бутун тизимли йиғиндиси, деганда жиноят таркиби объекти, субъекти, объектив томони ва субъектив томони белгиларининг мажмуи тушинилади. Жиноят таркибининг бу тизимли элемент(томон)лари ичида асосий ўринни қилмишнинг объектив томони эгаллайди. Чунки бошқа элемент(жиноят объекти, субъекти ва субъектив томон)лари айнан жиноят таркиби объектив томонини таҳлил қилиш орқали аниқланади.

Буни қуйидаги ҳукми таҳлил этиш орқали ифодалаймиз:

С. бир неча маротаба такроран фирибгарлик жиноятини содир этган. С. алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзгалар мулкани қўлга киритиш мақсадида бир неча маротаба қасдан такроран фирибгарлик жиноятини содир этган. С. содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликка тортилмаганлигидан фойдаланиб, жиноий ҳаракатларини қасдан такроран давом эттириб, 2015 йил 15 апрель куни ўзига илгаридан таниш бўлган Т.га ўзининг Спарк русумли автомашинасини сотишни ваъда қилиб, унинг ишончига кириб, уни алдаб ўзганинг мулкани талон-торож қилиш мақсадида туман тижорат бозори худудида Т.дан 5000 АҚШ доллари яъни ўзбек сўмига нисбатан қиймати 12.451.000 сўм миқдоридаги пулларини алдаш ва ишончини суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиб, ўзининг эҳтиёжларига ишлатиб юборган. С. ўзининг оқоридаги жиноий ҳаракатлари билан Ўз.Р ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми "б" бандида айбли деб топилиб, 2 (икки) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган [21, Б 1-90-сонли жиноят иш].

Бу ҳукмда ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаркатсизлик)ни жиноят эканлигини белгилайдиган объектив ва субъектив белгиларининг бир бутун, тизимли йиғиндиси қуйидагилар: объект - Т.нинг мулки (Ўз.Р ЖК 2-моддасидаги - жиноят қонуни билан қўриқланарига ижтимоий муносабат, яъни жиноят таркиби зарурий бўлган объектив белгиси. предмет - 5000 АҚШ доллари (жиноят таркиби факультатив белгиси); объектив томони - алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли (жиноят содир этиш усули) билан С.нинг мулки талон тарож қилинган; субъект - жиноий жавобгарлик ёшига етган, ақли расо, жисмоний шахс бўлган С. ҳисобланади. субъектив томони - фирибгарлик жинояти қасд(тўғри қасд)дан содир этилган.

Жиноят таркиби белгилари жиноят ҳуқуқининг Умумий ва Махсус қисми нормаларида мустақкамланади. Уларни шартли равишда тўртта тизимли қисмга: жиноят объекти, субъекти, объектив томони ва субъектив томони белгиларига бўлиш мумкин. Қилмишда ҳар қандай жиноят таркибининг барча белгилари мавжудлиги уни жиноят, деб топиш ва уни содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб ҳисобланади [22, С 164].

Жиноят таркиби қилмишни жиноят деб ҳисоблаш учун юридик асос ҳисобланади. Содир этилган қилмишга жиноят-ҳуқуқий баҳо бериш, яъни уни тўғри квалификация қилишнинг ягона юридик асоси бу жиноят таркиби ҳисобланади. Айнан жиноят таркиби белгилари ва элементларини тўғри таҳлил қилиш ва уларни содир қилинган қилмиш белгиларига солиштирилиши унга тўғри жиноят-ҳуқуқий баҳо бирилишига хизмат қилади.

ЖК Махсус қисми норма ва қоидалари ўрганилганида, жиноят таркибининг кўриб чиқилаётган элементига хос қуйидаги томонларни кўриш мумкин: биринчидан, объектив томон жиноят-процессуал тартибда исбот қилинадиган ва белгиланадиган, жиноят объектига қарши қаратилган тажовузни

таърифлайдиган жиноятнинг белгилари мажмуини ифодаловчи шахс қилмишининг ташқи кўриниши; иккинчидан, объектив томонни ифодалайдиган белгилар (ҳолатлар) ижтимоий аҳамиятли ҳисобланади ва қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги ҳамда даражасини кўрсатиб туради; учинчидан, бу белгилар умумий ифодага эга, яъни реал воқеликда содир қилинадиган жиноятлардан келиб чиқади; тўртинчидан, жиноят таркибининг объектив томони юридик аҳамиятга эга, чунки у жиноят қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда бланкет диспозиция сифатида назарда тутилади [23, С 189].

Жиноятнинг объектив томони жиноят таркиби тўртта зарурий элементидан биттаси ҳисобланади. Объектив томонсиз қилмишда жиноят таркиби бўлмайди, чунки ЖК билан кўриқланадиган объектга қаратилган тажовуз бўлиши мумкин эмас, шунингдек, субъектнинг онгида муайян қилмиш объектив белгилари таъсири бўлмаса, субъектив томон мавжуд бўлмайди, шунингдек, ниҳоят жиноят субъекти ҳам мавжуд бўлмайди.

В.Н.Кудрявцев жиноят объектив томонига таъриф берар экан, "Жиноятнинг объектив томони қонун билан кўриқланадиган манфаатларга гайриқонуний равишда тажовуз қилишнинг ижтимоий хавfli жараёни бўлиб, унга ташқи томони нуқтаи назардан қараганда, субъект жиноий ҳаракат (ҳаракатсизлиги)нинг бошланиши ва тамомланиб, жиноий оқибат келиб чиқиши билан яқунланадиган муайян тартибда содир этиладиган воқеа ва ҳодисадир" [24, С 9] деб ёзган эди.

Бизнинг фикримизча, бундай таъриф, биринчидан, ҳаддан зиёд мураккаб бўлиб, шунингдек, иккинчидан фақат моддий таркибли жиноятлар учун тўғри келади. Шунингдек, қуйидаги муаллифлар И.Я.Козаченко ва З.А.Незнамова [25, С 49] ҳам жиноят объектив томонига моддий таркибли жиноятларга хос бўлган, шунга ўхшаш таъриф беришади. Уларнинг фикрига кўра, жиноят объектив томони жиноят қонуни билан кўриқланадигин объектга зарар етказадиган ижтимоий хавfli тажовузнинг ташқи белгиларини ифодалайдиган, тавсифлайдиган муҳим, етарли ва зарур белгилар йигиндисидан иборат.

Шунингдек, И.Реннеберг "Объектив томон жиноий қилмишнинг шундай объектив ҳолатларидан иборатки, қайсики уларга ижтимоий хавfliлик ва маънавий-сиёсий номуносиблик таъсир этади, шунинг учун ҳам жиноят-ҳуқуқий нормаларда назарда тутилган жиноят таркибида жиноят объектив томон белгилари сифатида кўрсатилади" [26, С 18], деган фикрни илгари суради.

Бу нуқтаи назарда энг оддий ва аниқ таърифни В.Тимейко берган. В.Тимейконинг фикрича, "Жиноят объектив томони ўзидан муайян жой, вақт ва ҳолатлар шароитида содир этиладиган жиноий қилмишнинг ташқи ҳатти-харакатини ифодалайди." [27, С 6].

Биз бу таърифни янада аниқлаштиришимиз, ойдинлаштиришимиз мумкин ва жиноят объектив томони - аниқ конкрет жой, вақт ва ҳолатлар шароитларида муайян усулда, баъзан қурол ёки бошқа воситаларда содир этиладиган, баъзан моддий таркибли жиноятларда зарарли оқибат келтириб чиқарадиган жиноий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)нинг ташқи ҳатти-харакатларини ўзидан ифодалайди, деб таърифлашимиз мумкин.

Жиноят ҳуқуқи назариясида мавжуд адабиётларда [28, Б 161, 162, 240, 171-173, 118-121] жиноят объектив томони белгилари икки туркумга ажратилади: зарурий белгилар - ижтимоий хавfli қилмиш (моддий таркибли жиноятларда -

ижтимоий хавфли қилмиш, оқибат ва сабабий боғланиш); факультатив белгилар - жиноят содир этиш жойи, вақти, усули, ҳолати, қуроли ва воситаси.

Буни қуйидаги ҳукми таҳлил этиш орқали ифодалаймиз:

Хорижий мамлакатлар жиноят қонунчилиги қийсий таҳлил ва амалиёт натижа(ҳукм)ларни таҳлил қилиш натижасида қуйидаги назарий ва амалий муаммолар ёритилди, шунингдек бу борада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленум қарорини такомиллаштириш бўйича қуйидаги аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

Хусусан, МДХ малакатларининг аксариятида bosқинчилик, талончилик, ўғирлик жиноятларидаги уй-жой, омборхона ёки бошқа бино тушунчаларига жиноят кодексларини [29] ўзида таъриф берилган. Бизда эса, уй-жой ва омборхонага 1999 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўз.Р Олий суд Пленумининг "Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик ва bosқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида" қарорида тушунтиришлар берилган. Хусусан, бошқа бинога тушунтиришлар берилмаган. Ўз.Р Олий суд Пленум қарорининг 9-бандини қуйидагича тўлдириш лозим: бошқа сақлаш жойи - бу деганда "Моддий қимматликларни сақлаш учун махсус ажратилган ёки мослаштирилган ички қурилишга эга объектлар тушунилади" деган таклифни илгари сурамиз.

Шунингдек, Қозоғистон жиноят кодекси [30] 188-моддаси 2-қисм 3-бандида "Уй-жой, хизмат ёки хўжалик хонаси, омборхона ёки транспорт воситасига ғайриқонуний равишда кириб содир этилган" ўғирлик белгиланган. Бу билан транспорт воситасига ғайриқонуний равишда кириб содир этилган ўғирлик жиноятнинг оғирлаштирувчи (квалификацияловчи) белгиси сифатида назарда тутилган.

Бизнинг нуқтаи-назаримиз Қозоғистон жиноят қонунчилигида мавжуд нормага қўшилмаймиз. Чунки транспорт воситаси мол-мулк сақлаш жойига кирмайди ва унга қўйилган талабларга ҳам жавоб бермайди.

Шунингдек, Ўз.Р ЖКнинг 97-моддаси 2-қисми қуйидаги банд "қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб" деган қўшимчани қўшиш лозимлигини таклиф сифатида илгари сурамиз. Дарҳақиқат, қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб қасдан одам ўлдириш Ўз.Р ЖК 97-моддаси 1-қисмга нисбатан ижтимоий хавфлилик даражаси юқори ҳисобланади. Шу билан бирга Ўз.Р ЖКнинг 56-моддаси қуйидаги банд "қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб" қўшимчани қўшиш лозимлигини таклиф сифатида илгари сурамиз

Шу билан бирга, Ўз.Р ЖК 99-моддаси диспозициясига тегишлича қуйидагича ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиш таклифини илгари сурамиз:

99-модда. Онанинг ўз чақалогини қасдан ўлдириши

Онанинг ўз чақалогини туғиш вақтида ёки туғилиши ҳамон қасдан ўлдириши, шунингдек, онанинг ўз чақалогини руҳий шикаст етказувчи шароитдаги ҳолатларда ёки ақли расоликни истисно этмаган руҳий бузилиш ҳолатида ўлдириши -

бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган жиноят:

а) туғиш вақтида ёки туғилиши ҳамон икки ёки ундан ортиқ чақалоққа нисбатан;

б) қурол ёки қурол сифатида фойдаланиш мумкин бўлган бошқа нарсаларни ишлатиб;

в) ўта шавқатсизлик билан содир этилган бўлса -

беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят объектив томони тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятларни, шунингдек, унинг зарурий ҳамда факультатив белгиларини таҳлил қилиш жиноят таркибининг элементларини батафсил аниқлаш имконини беради.

Шунингдек, умумий нуқтаи назардан жиноят таркиби объектив томони зарурий белгиси ягона ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланади. Фақат моддий таркибли жиноятлардагина ижтимоий хавфли қилмиш, оқибат, улар ўртасидаги сабабий боғланиш зарурий белги ҳисобланади. Аммо умуман олганда оқибат, сабабий боғланиш, жиноят содир этиш жойи, вақти, ҳолати, усули, қуроли ва воситаси жиноят объектив томони факультатив белгиларидир.

Илмий тадқиқотлар ва изланишлар натижаси ўлароқ, қуйидаги хулосага келдик. Жиноят таркиби объектив томони факультатив белгилари жиноят-ҳуқуқий жиҳатларини ўзи хос "учлик" деб номлади. Улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, улар қонун чиқарувчи томонидан муайян жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида ЖК Махсус қисм нормасида тўғридан-тўғри назарда тутилади.

Иккинчидан, улар қонун чиқарувчи томонидан муайян жиноят таркибининг жавобгарликни оғирлаштирувчи белгиси сифатида ЖК Махсус қисм нормасида тўғридан-тўғри назарда тутилади.

Учинчидан, улар жазо тайинлашда жазони оғирлаштирувчи ёки жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида инobatта олинади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Уголовное право России. Общая часть: Учебник / Под ред. В.П. Ревина. - М.: Юстицинформ. 2016. - С 160. (Criminal law of Russia. General part: Textbook / Ed. V.P. Revina. - M.: Yustisinform. 2016. - P 160.)
2. М.Усмоналиев. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи муаммолари. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. - Б. 90. (M. Usmonaliyev. Current problems of criminal law. Educational manual. - T.: Publication of TSYL, 2006. - P. 90)
3. Малинин В.Б., Парфенов А.Ф. Объективная сторона преступления. - СПб.: Издательство Юридического института (Санкт-Петербург), 2004. - С. 6. (Malinin V.B., Parfenov A.F. The objective side of the crime. - SPb.: Publishing house of the Law Institute (St. Petersburg), 2004. - P. 6.)
4. Ҳ.Р.Очилов, Э.О.Турғунбоев "Жиноят ҳуқуқи" (Умумий қисм). Ўқув-услубий қўлланма // масъул муҳаррир: ю.ф.д. Ф.Тоҳиров. - Т.: нашриёти, 2013. - Б. 30. (H. R. Ochilov, E.Turgunboev "Criminal Law" (general section). Educational-methodical manual // Responsible editor: Y.f.d. F.Tokhirov. - T.: publishing house, 2013. - P. 30.)
5. Валиев И.В. - оғлы . Об объективной стороне преступления: Монография. - М.: Московский университет МВД России, ООО "ЮРКОМПАНИ", 2009. - С. 5. - (Актуальные юридические исследования). (Valiev I.V. - oglu. On the objective side of the crime: Monograph. - Moscow: Moscow University of the Ministry of Internal Affairs of Russia, LLC "YURKOMPANI", 2009. - P. 5. - (Current legal research).)
специализированными учреждениями осуществляется судебно-экспертная деятельность, связанная с проведением криминалистических, судебно-медицинских и судебно-психиатрических экспертиз. Для проведения некоторых видов экспертиз, которые не осуществляются исключительно государственными специализированными учреждениями, по решению лица или органа, назначивших судебную экспертизу, могут привлекаться кроме судебных экспертов также другие специалисты в соответствующих областях знаний. В законах Азербайджана ("О деятельности государственной судебной экспертизы" от 18.11.1999 г.) [6], Казахстана ("О судебно-экспертной деятельности в Республике Казахстан" от 20 января 2010 г.) [7], Литвы ("О судебной экспертизе" от 29.10.2002 г.) [8], Молдовы ("О судебной экспертизе и статусе судебного эксперта" от 14.04.2016 г.) [9] законодатель не использует понятие "субъекты судебно-экспертной деятельности", вместо этого разъясняется термин "судебный эксперт", закрепляется, кто и кем может быть назначен судебным экспертом, определяются требования к судебному эксперту, руководителю судебно-экспертного подразделения, права, обязанности и ответственность судебного эксперта. В Российской Федерации в настоящее время действует Федеральный закон "О государственной судебно-экспертной деятельности в Российской Федерации" [10], который касается только осуществления судебно-экспертной деятельности в государственных учреждениях, но в нем также не используется термин "субъекты судебно-экспертной деятельности". В настоящее время в Государственную Думу внесен проект Федерального закона "О судебно-экспертной деятельности в Российской Федерации" [11], разработчики которого сочли необходимым унифицировать правовое положение негосударственных судебных экспертов в соответствии со статусом экспертов государственных учреждений. По мнению Комарицкого, "такой подход российского законодателя является прогрессивным, поскольку правовой статус судебных экспертов, порядок проведения судебных экспертиз должен быть одинаковым, независимо от того, государственный или негосударственный эксперт участвует в судопроизводстве (процессе)" [12].

Для наиболее полного отражения содержания, считаем необходимо изменить название Закона Республики Узбекистан "О судебной экспертизе", изложив его в следующей редакции: Закон "О судебно-экспертной деятельности" в Республике Узбекистан.

Задачей государственной судебно-экспертной деятельности является оказание содействия судам, судьям, следователям и прокурорам в установлении обстоятельств, подлежащих доказыванию по конкретному делу, посредством разрешения вопросов, требующих специальных знаний в области науки, техники, искусства или ремесла.

Государственная судебно-экспертная деятельность основывается на следующих принципах:

- принцип законности,
- принцип соблюдения прав и свобод человека,
- принцип независимости эксперта,
- принцип объективности,
- принцип всесторонности и полноты исследований, проводимых с использованием современных достижений науки и техники.

На основании изучения и анализа законодательства зарубежных государств, полагаем, что необходимо добавить следующие принципы: конфиденциальности и справедливости, а также статью 4 Закона Республики Узбекистан "О судебной экспертизе", после слов принцип соблюдения прав и свобод человека дополнить словами: "прав юридического лица". Принцип конфиденциальности означает сохранение профессиональной тайны, то есть информация, факты и документы, с которыми ознакомился эксперт и которыми он владеет в связи с исполнением своих обязанностей по производству судебной экспертизы, не могут разглашаться и использоваться им в личных интересах или в интересах третьего лица.

Разглашение информации, фактов и документов, может осуществляться только с соответствующего разрешения заявителя экспертизы, за исключением ситуации, когда существует право либо законное или профессиональное обязательство, требующее раскрытия.

Принцип справедливости подразумевает то, что судебный эксперт при производстве экспертизы обязан действовать беспристрастно, добросовестно и без дискриминации, не допускать воздействия на свою объективность, обусловленного конфликтом интересов, политическим влиянием, расовыми, этническими, социальными или любыми другими факторами, способными повлиять на результаты проводимой им судебной экспертизы.

Государственная судебно-экспертная деятельность осуществляется при неуклонном соблюдении равноправия граждан, их конституционных прав на свободу и личную неприкосновенность, достоинство личности, неприкосновенность частной жизни, личную и семейную тайну, защиту чести и доброго имени, а также иных прав и свобод человека и гражданина согласно общепризнанным принципам и нормам международного права и в соответствии с Конституцией [3].

Списки /Иқтибослар /References

1. Собрание законодательства Республики Узбекистан. - 2017. № 6. Ст. 70. (Collection of legislation of the Republic of Uzbekistan. - 2017. № 6. Art. 70)

2. https://www.norma.uz/novoe_v_zakonodatelstve/ekonomicheskij_processualnyy_kodeks.

3. Комментарий к Закону Республики Узбекистан "О судебной экспертизе" // Т.Б. Маматкулов, А.К. Закурлаев, Л.Ю. Югай; Отв редактор А.А. Хамдамов. - Т: Академия МВД Республики Узбекистан, 2017 - С.10, 17 (Commentary to the Law of the Republic of Uzbekistan "On Forensic Examination" / Т.Б. Маматкулов, А.К. Закурлаев, Л.Ю. Югай; Отв редактор А.А. Хамдамов. - Т: Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, 2017 - p.10, 17)

4. http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3172331

5. О судебной экспертизе: Закон Украины, 25 февр. 1994 г., № 4038-ХІІ (с изм. и доп.) [Электронный ресурс]. - Режим доступа : <http://zakon3.rada.gov.ua>. (On forensics: Law of Ukraine, Feb. 25. 1994, № 4038-ХІІ (as amended and add.) [Electronic resource]. - Access mode: <http://zakon3.rada.gov.ua>.)

6. О деятельности государственной судебной экспертизы: Закон Азербайджанской Республики, 18 нояб. 1999 г., № 758-II (с изм. и доп.) [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <http://base.spinform.ru>. (On the activities of the state forensic examination: Law of the Republic of Azerbaijan, Nov. 18. 1999, № 758-II (as amended and add.) [Electronic resource]. - Access mode: <http://base.spinform.ru>.)

7. О судебно-экспертной деятельности в Республике Казахстан: Закон Респ. Казахстан, 20 янв. 2010 г., № 240-IV (с изм. и доп.) [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <http://online.zakon.kz>. (On forensic expertise in the Republic of Kazakhstan: the Law of Rep. Kazakhstan, 20 Jan 2010, № 240-IV (as amended and add.) [Electronic resource]. - Access mode: <http://online.zakon.kz>.)

8. О судебной экспертизе: Закон Литовской Республики, 29 окт. 2002 г., № IX-1161 (с изм. и доп.) [Электронный ресурс]. - Режим доступа:

http://www3.lrs.lt/pls/inter3/dokpaieska.showdoc_l?p_id=463687. (On Forensic Examination: Law of the Republic of Lithuania, October 29, 2002, № IX-1161 (as amended. And add.) [Electronic resource]. - Access mode:

http://www3.lrs.lt/pls/inter3/dokpaieska.showdoc_l?p_id=463687.)

9. О судебной экспертизе и статусе судебного эксперта: органический закон Респ. Молдова, 14 апр. 2016 г., № 68 [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <http://lex.justice.md/index>. (On forensics and the status of a forensic expert: organic law of Rep. Moldova, Apr. 14 2016, № 68 [Electronic resource]. - Access mode: <http://lex.justice.md/index>.)

10. О государственной судебно-экспертной деятельности в Российской Федерации: Федер. закон, 31 мая 2001 г., № 73-ФЗ (с изм. и доп.) [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <http://www.consultant.ru>. (On state forensic expertise in the Russian Federation: Feder. Law, May 31, 2001, No. 73-FZ (as amended and supplementary) [Electronic resource]. - Access mode: <http://www.consultant.ru>.)

11. О судебно-экспертной деятельности в Российской Федерации: проект Федер. закона, № 306504-6 [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <http://www.consultant.ru>. (On forensic expertise in the Russian Federation: the Feder project. Law, № 306504-6 [Electronic resource]. - Access mode: <http://www.consultant.ru>.)

12. Комарицкий, С. И. Проект закона о судебно-экспертной деятельности в Российской Федерации и проблема участия в проведении судебной экспертизы негосударственных экспертов / С. И. Комарицкий // Юрист. - 2014. - № 17. - С. 36-41. (Komaritsky, S. I. The draft law on forensic science activity in the Russian Federation and the problem of participation of non-state experts in the conduct of a forensic examination / S. I. Komaritsky // Lawyer. - 2014. - № 17. - P. 36-41.)

Расул Нарзуллаевич Рахманов,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги Академияси Криминология
кафедраси катта ўқитувчиси



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-1-7>

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ОИЛАДА ФАРЗАНД ТАРБИЯСИ БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ ҲАҚИДА АЙРИМ ФИКР ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Аннотация: Мақолада оиладаги таълим-тарбия бўйича айрим Шарқ мутафаккирларининг фикрлари ҳамда қарашлари ёритилган. Мутафаккирларнинг фикрларида ота-она, фарзандларнинг ўзаро муносабатларида шарқона урф-одат, назокат, ўзига хос лутф ҳақида сўз юритилади.

Таянч тушунчалар: Мутафаккир, оила, фарзанд, тарбия, билим, эр, хотин, бойлик, виждонлилик, хушхулқлик.

Расул Нарзуллаевич Рахманов,

Старший преподаватель кафедры Криминология
Академии Министерства внутренних
дел Республики Узбекистан

НЕКОТОРЫЕ МЫСЛИ И МНЕНИЯ О ВЗГЛЯДАХ МЫСЛИТЕЛЕЙ ВОСТОКА ПРО СЕМЕЙНОГО ВОСПИТАНИЯ ДЕТЕЙ

Аннотация: В данной статье освещены некоторые мысли и мнения мыслителей Востока о воспитание детей в семье. В мыслях мыслителей речь идёт о восточных обычаях ,своеобразное красноречие, деликатность в отношениях между детьми с родителями.

Ключевые слова: Мыслитель, семья, дети, воспитание, знание, муж, жена, богатство, честность, порядочность.

Rakhmanov Rasul Narzullaevich,

Senior lecturer, Department of Criminology
of the Academy of Internal Affairs
of the Republic of Uzbekistan

SOME THOUGHTS AND OPINIONS ABOUT THE VIEWS OF EASTERN THINKERS ABOUT FAMILY EDUCATION OF CHILDREN

Annotation: This article highlights some of the thoughts and opinions of Eastern thinkers about raising children in the family. In the thoughts of thinkers we are talking about Eastern customs, a kind of eloquence, delicacy in relations between children with their parents.

Keywords: Thinker, family, children, education, knowledge, husband, wife, wealth, honesty, decency.

For citation: Rakhmanov Rasul Narzullaevich. SOME THOUGHTS AND OPINIONS ABOUT THE VIEWS OF EASTERN THINKERS ABOUT FAMILY EDUCATION OF CHILDREN. Journal of Law Research. 2019, 1 vol., issue 1, pp. 51-56

Ўзбек халқи қадимдан ўзининг маънавий мероси, миллий қадрияти, урф-одати ва анъаналарига эга бўлиб, у асрлар мобайнида йиллар синовига дош бериб, сайқаланиб, такомиллашиб ҳозирга қадар авлоддан-авлодга етиб келган. Бу тафаккурнинг марказида инсон улуғлиги ва мўътабарлиги ғояси ётади. Шу тўғрисида ҳам шарқда "комил инсон" ғояси қадимдан буюк орзу бўлиб, донишмандлар таълимотининг асосини ташкил этган.

Бугунги кунда миллий гуруҳ, миллий ифтихор, ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш, комил инсонни тарбиялаш ижтимоий ҳаётимизнинг асосий масалаларидан бирига айланиб қолди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ бу масалага алоҳида ва узлуксиз равишда эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса вояга етмаганлар масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди десак, муболага бўлмайди.

Комил инсонни тарбиялашда оила ва жамиятнинг ҳамкорлигини таълим-тарбиядаги узвийлик ва узлуксизлик асосида амалга ошириш керак. Бу эса, ўз навбатида, оилада ота-онанинг олдида бир қатор вазифаларни қўяди. Комил инсон тарбияси жуда кўп қиррали ва мураккаб бўлганлиги сабабли, ота-оналар бу жараёнда буюк маънавий меросимизга доимий равишда муружаат этишлари лозим. Бу борада буюк мутафаккир ва маърифатпарвар Абу Наср ал-Фаробий "Талҳизу Навомис" (Афлотун қонуниятларини моҳияти) асарида инсон камолотини ҳуқуқий билимлар таъсирида ривожланишини шундай кўрсатган эди: "Яхши фазилатга эга бўлган шаҳар аҳолиси энг бахтиёр одамлар бўлишлари, қонунларга ихтиёрий бўйсунушини таъминлаш учун қонунларни такомиллаштириш, улардаги қоидаларни мустаҳкамлашдир"[1]. Абу Наср Фаробийнинг педагогик ва психологик қарашларини таҳлили шуни кўрсатадики, унинг асарларида "ижтимоий ва биологик жиҳатлар ўзаро муносабатининг бирлиги деган қоида" мавжудлиги таъкидлаб ўтилади.

Оила доирасидаги болалар тарбиясини тўғри йўлга қўйиш, ота-она вақтдан тўғри ва унумли фойдаланишларини доимий равишда ўз фарзандига уқтириши лозим бўлади. Буюк мутафаккир олим Абу Али Ибн Сино оила тарбияси масалаларига бағишланган махсус "Тадбир ал-манозил" номи асарини яратган. Унда мутафаккир болаларни тарбиялашдаги ота-онанинг вазифаларини ёритган. Асарда оилада ота-онанинг вазифаси ва бурчига ва оила муносабатларига тўхталар экан, айниқса ота-онанинг оилада меҳнатсеварлиги билан фарзандларини ҳам касб ва ҳунарга ўргатиш борасида муҳим фикрлар баён этилади[2].

Ибн Сино ўзининг "Ақсом ал-улум ал-ақлия"(ақлий илмлар таснифи) асарида илмларни иккига бўлади назарий ва амалий илмлар. Назарий илмлар ҳақиқатни билишга амалий илмлар эса яхши ишларни бажаришга қаратилган. Назарий фалсафа учга бўлинади: 1) қўйи даражадаги илм, яъни табиатшунослик(тиб,

кимё, астрология ва бошқалар); 2 ўрта даражадаги илм-математика (геометрия, арифметика, астрономия, мусиқа); 3) олий даражадаги илм-метафизика(илоҳиёт). Амалий фалсафа уч қисм(ахлоқ, иқтисод ва сиёсат)га бўлинган. Унда Абу Али ибн Сино ўзининг тарбиявий қарашларида оила ва оилавий масалаларга кенг ўрин берган. Ота оилада ўз фарзандларига ҳар томонлама юриш-туриш, нуқт одоби, сўз маданияти, ўзаро муомала жараёни каби муҳим амалий иш фаолиятида тўғрилиқ ва ҳаққонийлик ҳамда самимийликда намуна бўлмоғи керак. Оилада фарзанд тарбиясининг тўғри йўлга қўйишнинг асосий воситаси унинг маънавий оламида эътиқодни шакллантириш, деб ҳисоблаган эди олим.

Шарқнинг яна бир донишманди Юсуф Хос Ҳожиб "Қудатғу билиг" асарига оила-маиший турмуш муаммоларига жиддий эътибор қаратиб, у кишиларни уйланиб, оила қуришидан бошлаб, фарзанд тарбия этиш, оиланинг моддий таъминотини юритишгача бўлган энг зарурий вазифаларини бирма-бир баён этади. Ота-оналар назоратида бўлган боланинг масъулият ҳисси ривож топади. Шу сабабли ҳам бола тарбиясида ота-онанинг мавқеи алоҳида аҳамиятга эгадир. Улар танлаган тўғри йўл фарзандларининг келажаги, камолоти учун ниҳоятда муҳимдир. Жамиятда фарзандлари ҳуқ-атворига қараб ота-оналарига баҳо беришни айтиб, уларни огоҳлантиради ва шундай дейди: "Ота ўз фарзандини тергаб тарбияласа, унинг феъл йўриги яхши бўлади, ота ва онанинг юзи ёруғ бўлади. Ота фарзандини билимли ва идрокли қилиб тарбияламоқчи бўлса, уни доимо тергаб тарбиялаши керак, бунинг тадбири мана шу. Ота фарзандини кичиклигидан нобақор қилиб қўйса, фарзандда гуноҳ йўқ, барча айб отанинг ўзидадир. Ота фарзандини ўргатиб, тергаб тарбияласа, улар улғайгач, ўғлим-қизим деб севинса арзийди. Агар назорат қилувчи ота бўлмаса бунда фарзанд ярамас ва нобақор бўлади. Бундай фарзанддан умидингни узавер". Унинг қуйидаги байтларида ота-онага ҳурмат ёшларга фарзлиги, ҳамда фарзандларга илм бериш, билим ва ҳунар эгаллашнинг инсонлар ҳаётида қанчалар муҳим аҳамиятга эга эканлиги ўз аксини топган:

*Уқув қадрин уқувли билар
Билим сотса доно-билимли олар,
Нечук телба билгай билим қадрини
билим қайда бўлса, билимли билар*

*Улуғ ишдир эзгу, етолмас киши
Тикиб жон уни эплай олмас киши
Тугал эзгуликни етук эр қилар,
Қилолмас бу ишни билимсиз киши*

*Агар кимда бўлса ақл, илм, зеҳн,
Уни мадҳ этибсен, тугал эр дегин,
Зийд бўлса кимда уқув, ақл, билим,
Ёмон ва кичик бўлса ҳам мақтагин*

*Билим ҳам ҳунар ол, қадрла уни,
Билим-ла ҳунар ҳам қадрлар сени,
Заковат, билим изла, юрма бекор,
кези келса нафъи тегар бир қуни*

*Ота пандига сен тугал қил амал
Юрарсан бахтиёр бўлиб ҳар маҳал,
Отангни , онангни севинтир тамом,
бу хизмат етиргай тилакка тугал[3]*

Кайковус ўзининг "Қобуснома" пандномасида, сен ўз фарзандинг сенинг ҳақингда қандай бўлишини тиласанг, сен ҳам ота-онанг ҳақида шундай бўлгил, нединким сен ота-онанг ҳақида не иш қилсанг, фарзандинг ҳам сенинг ҳақингда шундоқ иш қилур, чунки фарзанд мевага, ота-она мевали дарахтга ўхшайдир" деб ёшларни ота-онасини ҳурмат қилишга эъозлашга, меҳр-оқибатли бўлишга даъват этади. Ота-она ўз фарзанди учун ҳатто ўлимга ҳам тайёрлигини таъкидлайди. Ҳар бир фарзанд оқил ва доно бўлса, ота-она меҳр-мухаббатини адо этмакдин бош тортмайди[4].

Муҳаммад Содиқ Қошғарий "Одоб ас-солихан" асарида уйланадиган йигит никоҳдан олдин уйланмоқчи бўлган қизини кўрмоғи, уйланадиган қизининг бокира бўлмоғи ҳамда тўрт нарса: ёшда, қоматда, молда ва насабда эрдан паст ва тўрт нарсада, ҳуснда ва жамолда, хулқда, адабда ва ифбатда эрдан юқори бўлиши зарурлигини[5], таъкидлайди. Бу фикр турмушда тинч ва тотув яшаш, оилада эр-хотин муносабатларида катта аҳамиятга эга. Биз бу фикрга қўшилан ҳолда, ҳозирги кундаги баъзи ота-оналарнинг турли ижтимоий табақалардан бўлишларига қарамасдан, бойлик орқасидан қувган ҳолда, қуда-андачилик қилиб, болаларининг бахтига зомин бўлаётганликларини кўриб турибмиз. Шунингдек эрнинг ёши хотиннинг ёшидан бир мунча катта бўлиши ҳам ижобий таъсир қилади. Чунки ўғил болалар қиз болаларга нисбатан кеч балоғатга етишади ва ижтимоий-руҳий жиҳатдан ўзи билан тенгқур жуфти олдида кўп ҳолларда етакчиликни қўлга ола олмайди. Ёши катта бўлган эр эса ўзининг ёш хотини олдида бемалол етакчилик қила олади.

Мутафаккир Давонийнинг фикрича: "Ота-она болага жамиятда мавжуд бўлган хулқ-одоб қоидаларини сингдиришга, юриш-туришга, ейиш-ичиш, ўз қилмиши учун маъсулиятни сезиш, ширинсуханд бўлиш, яхшилик, эзгулик каби ахлоқ қоидаларини эгаллашига ёрдам бериши лозим".

Беруний ота-оналарга қарата бола хулқини мўътадилликда сақлашни тавсия этади. Бунга асосан болани қаттиқ газабланишдан, қўрқиш ва хафаликдан сақлаш орқали эришилишини айтиб, улар хоҳлаган ва фойдали нарсани топиб беришга, севмаган нарсасидан узоқлаштиришга ҳаракат қилиш кераклиги уқтирилади. Ота-онанинг болага турли муносабати турлича хулқларни келтириб чиқаради. Яхши хулқларнинг пайдо бўлиши бола руҳиятига таъсир қилибгина қолмасдан, унинг физиологик ўсишига ҳам ёрдам беради. Ёмон хулқ эса турли мижоз бузилишига ҳам олиб келади. Аксинча бола организмдаги ўзгаришлар унинг руҳиятидаги хатти-ҳаракатидаги ўзгаришларни келтириб чиқаради. Мутафаккир бола хулқ-атворининг мўътадиллиги натижасида тан ва руҳ соғломлигининг келиб чиқишини илмий асослаб беради[6].

Аввалги умматлар орасида яшаб ўтган солиҳ ва ва валий зотлардан Луқмони Ҳаким ўз фарзандига қилган насиҳатларидан бирида ушбу сўзларни айтган:

"Эй ўғлим, ҳалол касб билан фақирликдан қутулиб бошқалардан беҳожат бўлгин. Зеро, дунёда фақирликка йўлиққан ҳеч бир киши йўқки, агар унга мана бу учта ҳолат етмаган бўлса: диндаги заифлик, ақлнинг ўтмаслашуви ва ниҳоят

олийжанобликнинг йўқолиши. Бу учаласидан ҳам ёмонроғи одамларнинг унга паст назар билан қарашларидир".

Дарҳақиқат, одамлар ялқов фақирни ҳурмат қилмайди, фақирликка мубтало авом кўп ҳолатда бесабрлик ва ношукрлик балосига йўлиқади ва иймони заифлашиб, намозларни ҳам тўлиқ ўқимай қўйиши мумкин. Фақир киши пулга муҳтожлигидан пул берган одамнинг ҳамма айтганини қилади, олийжаноблик мардлик ва фахр туйғуси уни тарк этади[7].

Маърифатпарвар жадидчиларимиздан бўлган Мунаввар қорининг "Оила аъзолари" номли дарслигининг бўлимларида ота-онани ҳурматлаш, ака-ука, қариндош-уруғини эъзозлаш каби ғоялар алоҳида ўрин эгаллайди.

***Кишининг бор эрса ота-онаси,
Ғаниматдир унга аларнинг ризоси.
Худони қошида қабул экандир,
Ота ва онанинг болага дуоси.***

Оилада фарзанд дунёга келгандан бошлаб оиланинг жамият олдида жавобгарлиги кундан кунга ортиб боради. Чунки ўсиб келаётган авлоднинг тақдири ана шу болалар тарбияси муаммосининг ҳал қилиниши билан узвий равишда чамбарчас боғлангандир. Бу муаммога жиддий эътибор қаратган аллома Абдурауф Фитрат 1916 йилда "Оила" номли фалсафий асарини ёзган бўлиб, унда оилавий ҳаётнинг ислоҳотидан баҳс юритилган ва адиб нажот йўлларини ахтариб халқларнинг умуминсоний қардошлик ғоясини тарғиб этган[8]. Фитрат оилани ижтимоий вазибалари деб, "Авлод тарбияси", "Фикрий тарбия", "Ахлоқий тарбия" каби қисмларга бўлади.

Инсоннинг маънавий ва ақлий хислатларини, асосан, унинг олган тарбияси, яшаган муҳити белгилайди, деб ҳисоблаган. Агар, яхши тарбия инсоннинг энг қимматли бойлиги бўлса, нотўғри тарбия унинг учун чинакамига бахтсизликка, хатто, ҳалокатга айланишини уқтирган. Шунинг учун мактаб тарбияси билан бир каторда оила тарбиясига ҳам катта аҳамият берган. Оилада тўғри йўлга қўйилган тарбия, мактаб учун катта мададдир ва аксинча, оилада тегишли тарбия ишлари олиб борилмаса, бу ҳолда мактабнинг таълим-тарбия ишини жуда қийинлаштириб қўяди.

Оилада бола билан тарбиячи ўртасида жуда яқин ва самимий муносабат ўзининг табиийлиги ва оддийлиги, мазмундорлиги, илиқлиги, ҳеч қандай расмиятчиликнинг йўқлиги билан ажралиб туриши лозим. Буюк ҳадисшунос олим Имом Исмоил ал-Бухорий ўз ҳадисларида тарбия ҳақида ота-оналарга шундай деганлар: тангридан қўрқинглар ва фарзандларингизга бир хил меҳрда бўлинглар! (Уларга кийим ва таомларини баробар тақсимланглар).[9] Бунда оиладаги болаларни бирини-иккинчисидан устун қўйиш, улар орасига нифоқ солиши мумкин, келгусида ака-ука ёки опа-сингиллар бир-бирини кўролмаслик, ҳатто душманлик йўлига ҳам киришлари мумкин. Бу юқоридаги фикрни нечоғлик тўғри эканлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Шунинг учун ота-она болаларни бир-бирига қарши қилиб қўймаслик учун бирини олдида иккинчисига танбеҳ бермаслик, совға ёки кийим-бош олиб берганда, уларни тенг кўришлари лозим. Баъзида бирининг устунилигини кўрганда ҳам иккинчисига рағбатлантирувчи оҳангда тушунтирмоқ керак бўлади. Токи иккинчиси ўзини камситилган, ёлғиз ва ночор

сезмасин. Камчилиги бўлса уни баргараф этишга ёрдам бериш, унга тўғри йўл кўрсатиш жоиздир. Имом Исмоил ал-Бухорий "Адаб дурдоналари" китобида "Ахлоқнинг яхши бўлиши, таомнинг покизалиги, ростлик ва омонатга хиёнат қилмаслик - мана шу тўрт хислатни Аллоҳ таоло сенга берган бўлса, дунёвий ишлардан четда қолсанг ҳам, зарари йўқдур" деб ёзилган[9].

Салом бериш одоби ҳақида Имом Исмоил ал-Бухорий "Адаб дурдоналари" китобининг 402 -ҳадисида " ... Қайси бири салом берса, иккинчиси жавоб қайтармаса, салом берганига фаришта ва жавоб бермаганига эса шайтон жавоб қайтаради[9]". Тарбия ўчоғи бўлган оилада салом беришга ўргатиш ҳам ота-она вазифасига киради. Бунда уларнинг ўзлари намуна бўлмоқлари лозим.

Ёш авлодни комил этиб тарбиялашнинг асосий шартларидан бири бу-оила ва жамоатчилик ҳамкорлигидир. Ота-она мунтазам равишда эътиборига оладиган ва алоҳида аҳамият бериш керак бўлган нарса-болани ёшлигидан бошлаб, болада мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириш, ҳар хил салбий мазмундаги таъсирлардан ҳимоя қилиш, бирор-бир ишга ўргатиш, унга ўзига хос юмуш бериб, ишга одатлантиришдир. Бунда бола ҳам иш ўрганadi, ҳам жамиятда, оилада ўз ўрнини топишга ҳаракат қилади. Болада меҳнатга муносабат, ота-онасига муносабати, оила аъзоларига нисбатан фикри, дунёқараши ўзгаради.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ота-она бола тарбияси ҳақида етарлича амалий ва назарий билимларга эга бўлиши керак. Агар уларда етарлича билим, кўникма ва малака бўлмаса у оила аъзосига, яъни фарзандларига яхши тарбия бера олмайдилар. Оиладаги ёмон тарбия фақат оиланинг ўзидаги муҳитга таъсир қилмасдан, балки кўни-кўшни ва маҳаллалардаги, қолаверса жамиятдаги тарбиявий муҳитга ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатади.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Абу Наср Форобий. Нуфузли шаҳар аҳоли. Т., 1998. 23-бет
2. Буюк сиймоларнинг боқий қудрати. Ўқув қўлланма. Ш.Р.Қобилов, МА.Рустамов.-Т: Ўзбекистон республикаси ИИВ Академияси, 2017.-66 бет
3. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Саодатга йўловчи билим) . Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тайёрловчи филология фанлари номзоди Қаюм Каримов. -Т., 1971, 35 -б.
4. Кайковус "Қобуснома". С.Долимов, У.Долимов. -Т: "Ўқитувчи"НМИУ, 2018. 36-бет
5. Мухаммад Содиқ Қошғарий "Одоб ас-солихан". -Т: "Ўқитувчи", 1996.
6. Беруний А. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар(Осори ал-боқия)// Танланган асарлар. -1-т.Т., 1968
7. Сайид Раҳматуллоҳ Термизий Ҳалол касб-фаровонлик омили. Ҳалол савдо-касбларнинг яхшиси. -Т: "Hilol-Nashr", 2017. 31- бет
8. Ахлоқ-одобга оид ҳадис намуналари -Т.Фан., 1999 16 бет
9. Имом Исмоил ал-Бухорий.Ал-адаб муфрад.-Тошкент: "Ўзбекистон", 1990. 121-б

Сиёвush Бахтиёрovich Хўжақулов,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги Академияси Олий ўқув юртидан
кейинги таълим факультети таянч
докторантура докторанти, доцент



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-1-8>

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИ ШАКЛЛАРИНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Мақолада ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси шаклларининг ўзига хос хусусиятлари, уларни қўллаш асослари ва тартиби ёритилган.

Таянч иборалар: ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси, профилактик шакл, оғзаки, ёзма, кўргазмали, электрон.

Сиёвush Бахтиёрovich Хўжақулов,

Докторант базовой докторантуры
факультета послевузовского образования
Академии Министерства внутренних
дел Республики Узбекистан, доцент

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ФОРМЫ ОБЩЕЙ ПРОФИЛАКТИКИ ПРАВОНАРУШЕНИЙ

Аннотация: В статье освещены особенности форм и методов общей профилактики правонарушений, порядок и основы их применения.

Ключевые слова: общая профилактика правонарушений, форма профилактическая, устный, письменный, наглядный, электрон.

Siёvush Bakhtiyorovich Hojakulov,

PhD student of Faculty of postgraduate
education of the Academy of the Ministry
of Internal Affairs of the Republic
of Uzbekistan, associate professor

SCIENTIFIC AND PRACTICAL ANALYSES OF THE FORMS OF GENERAL PREVENTION OF OFFENCES

Annotation: The article deals with the peculiarities of forms of general prevention of offences, order and basis of their application.

Keywords: general prevention of offences, form, method of persuasion, method of compulsion, method of stimulation, representation.

Хуқуқбузарликлар умумий профилактикасини амалга ошириш шакллари ҳам профилактиканинг усуллари каби ўзига хосликка эга. З.С. Зарипов ва М.Ю. Кержнерлар ўзларининг тадқиқотида хуқуқбузарликлар профилактикасини "профилактик" ҳамда "хуқуқ-тартибот"дан иборат икки шаклдаги фаолият нуқтаи назардан кўриб чиқишган[1]. Яна айрим адабиётларда эса хуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг тўртта, яъни ёзма, оғзаки, кўргазмали ва электрон шакли тўғрисида тўхтаб ўтилган, ammo уларнинг мазмуни ёритиб берилмаган[2].

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида "шакл" - "кўриниш, расм, тарз, усул" сўзлари билан изоҳланган[3]. "Шакл" тушунчасига янада аниқроқ изоҳ берадиган бўлсак, 1) нарсанинг ташқи кўриниши, сирти қиёфаси, ифодасини; 2) маълум кўриниш, қолипдаги нарса, фигурани; 3) жисмнинг ҳолати, кўринишини; 4) мазмуннинг ифода томони, ташқи кўриниши, ифодаланишини; 5) бирор нарсани амалга ошириш йўсини, усулини аниқлаштириш оидинлашади. Демак, шакл - маълум бир ҳодиса ёки ҳаракат мазмунининг ташқи кўриниши бўлиб, усулнинг ҳам шакли бўлиши мумкин деган, хулоса шаклланади. Айнан шунинг учун ҳам, Х.Р. Алимов, А.А. Махмудов, Н.Т. Исмоиловлар давлат бошқарувида ишонтириш усули ҳар хил бўлиб, ўз ичига бир нечта шакллари қамраб олиши ҳақида сўз юритган[4].

Фалсафий адабиётларда ҳам шакл ташқи кўринишни ифодалаган. Мисол учун, моддий борлиқнинг ҳаракат шакллари: механик, физик, кийвий, биологик ва социал ҳаракатларга ажратиб кўрсатилган[5].

Бошқарув шакллари ҳақида сўз юритган Х.Х. Бахрамов, ушбу "шаклларнинг мазмун-моҳиятини аниқлашда "бошқарувнинг мақсади", "бошқарув функциялари", "бошқарув вазифалари", "ваколат", "компетенция" сингари тушунчаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим"[6] деб ҳисоблайди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, хуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг шакли - бу, хуқуқбузарликлар профилактикасида фаолият, хатти-ҳаракатлар мазмунининг ташқи кўринишидир. Профилактика шаклининг моҳиятини ёритишда хуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг мақсади, функцияси ва вазифаларига таяниш лозим.

Аксарият криминологик адабиётларда жиноятларнинг олдини олиш шакллари тилга олинган бўлса-да, уларнинг мазмунига оидинлик киритилмаган. Жиноятларнинг профилактикаси бўйича аҳоли ўртасидаги хуқуқий тартиботнинг оғзаки, ёзма, электрон ва кўргазмали шакллари кўрсатиб ўтишган. Айрим дарсликларда ушбу шакллар нафақат, хуқуқий тартиботнинг, балки хуқуқбузарликлар профилактикаси турларининг ҳам шакли сифатида келтирилган[7].

Шу боисдан, хуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг мақсади, функциялари, вазифалари, ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари, шунингдек ушбу соҳада олиб борилаётган ислохотлар ва ахборот-коммуникацион технологияларнинг ривожланишини инобатга олиб, хуқуқбузарликлар умумий профилактикаси шакллари: ёзма, оғзаки, кўргазмали, электрон, назорат, кўриқлаш, қутқарув, белгили, СМС хабар, аралаш шакллари тариқасида шакллантириш тавсия этилади (ушбу тизим анкета сўровида иштирок этган

респондентларнинг 67 фоизи томонидан маъқулланган). Бироқ мазкур шаклларни фақат ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасига тааллуқли деб ҳисоблаб бўлмайди. Уларнинг айримларидан профилактиканинг бошқа турларида ҳам фойдаланиш мумкин.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг ёзма шакли, асосан, газета ва журналларда ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитлари ҳақида мақолалар, содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар, ҳикоя, очерклар чоп этиш, одамлар гавжум бўладиган жойларда ёзма эълонлар осииш, аниқланган ҳуқуқбузарликнинг сабаб ва шароитлари, шунингдек ҳуқуқбузарликдан жабрланиш эҳтимоли юзасидан фуқароларга огоҳлик ва ҳушёрликка чақирувчи хатлар юбориш, тақдимномалар киритиш, расмий огоҳлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш кабиларда намоён бўлади.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг электрон шакли жаҳон Интернет ахборот тармоғида ташкил қилинган веб-сайтлар, блоглар, чатлар орқали профилактика дастурлари ва тадбирлари лойиҳаларининг оммавий муҳокамаларини ташкил этиш, уларни амалга ошириш жараёнида муаммолар ва камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш каби профилактик тадбирларни уюштириш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий усуллари тўғрисида электрон адабиётларни тайёрлаб, тарқатиш кабиларда кузатилади. Гарчи электрон шакл ёзма шаклга ўхшаб кетса-да, аммо у ёзма шаклдан маълумотларнинг электрон узатилиши ва айланмасига эгаллиги билан фарқланади.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг оғзаки шакли суҳбат, маъруза, савол-жавоб, радио эшиттириш, аҳоли гавжум жойлар (масалан, хавфсизликни таъминлаш мақсадида бозорлар, метро бекатлари, супермаркет ёки гипермаркетлар)да огоҳликка чақирувчи овозли матнни эшиттириш кабиларда кузатилади.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг кўргазмали шакли телевидение орқали ҳуқуқбузарликлар ҳақида кўрсатувлар, кинофильмлар, видеороликлар тайёрлаб эфирга узатиш, аҳоли гавжум жойларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси мазмунига эга плакатлар, эълонлар осииш, видеороликлар намоиш қилиш, учрашув, маъруза жараёнларида мультимедиа воситаларидан фойдаланиш, сахна чиқишларини амалга ошириш кабиларда намоён бўлади.

Бундан ташқари, мазкур шаклга йўл қатнов қисмида пиёдалар ва автотранспорт воситаларининг ҳаркатланишини тартибга солиб турувчи чироклар фаолиятини бошқариш, видеокузатувни амалга ошириш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларнинг ҳисобини юритишга йўналтирилган марказлаштирилган электрон тизимлар фаолияти ҳамда уларнинг имкониятларидан фойдаланишга доир тадбирларни ҳам киритиш мумкин.

Шундай профилактик тадбирлар борки, улар ҳам оғзаки, ҳам ёзма ва ҳам кўргазмали шаклда амалга оширилиб, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг аралаш шакли мақомига эга бўлади (буларга маъруза ўқиш, профилактик мазмунга эга учрашувлар, давра суҳбатлари, конференцияларда чиқишлар қилиш кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Ушбу ҳолатда профилактика субъекти бир вақтнинг ўзида оғзаки, ёзма, кўргазмали, электрон

шакллардан фойдаланган ҳолда профилактик тадбирларни амалга ошириши мумкин).

Назорат шакли ҳам ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг муҳим усулларидан бири ҳисобланиб, назорат функциясини таъминлаш асосида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга эришилади. Ушбу шаклнинг ўзи ҳам бир неча турларга бўлинади:

- техник назорат - бу, техника ва электрон тизим имкониятларидан фойдаланган ҳолда жамоат жойларида, аҳоли кўп қатнайдиган йўлақларда, светафор ўрнатилган чорраҳаларда кузатув камераларни ўрнатиш, ҳуқуқбузар шахс ҳамда ҳуқуқбузарликлар сабаб ва шароитларининг марказлаштирилган электрон ҳисобини юритиш каби йўллар билан амалга оширилади;

- кўриқлаш назорати - марказий кўриқлаш пулти ҳамда кўриқлаш хизмати орқали муҳим тоифаланган объектлар, давлат органлари жойлашган бино ва иншоотлар, аҳолининг уй-жойи, автотранспорт воситаларининг хавфсизлигини таъминлашга, уларга нисбатан турли тажовузлар амалга оширилишининг олдини олишга эришилади. Мисол учун, Г.Ў. Аҳмедова "кичик тадбиркорлик объектларида кўриқлаш хизматларининг юксак даражада йўлга қўйилишини, жумладан, уюшган гуруҳлар содир этадиган талон-тарожликларнинг олдини олишга қаратилган энг яхши криминологик чора деб ҳисоблайди"[8].

- ҲМҚО назорати - назорат-лицензия фаолияти, йўл-ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, божхона назорати, блок постлар назорати, кўча ва жамоат жойларида патруллик хизматлари назорати кабиларни ўз ичига қамраб олади;

- жамоатчилик назорати - назоратнинг ушбу турида иккита мақсад, яъни бири ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг жамоатчилик олдида ҳисобдорлигини таъминлаш тизими орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигига эришиш, иккинчиси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳузуридаги "маҳалла посбонлари" каби жамоатчилик тузулмалари назорати ва фаолияти орқали бевосита ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишини таъминлаш кўзланади.

Бу борада европа давлатларининг айримларида, хусусан, Германияда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда фуқароларнинг имкониятидан кенг фойдаланиш амалиётининг мавжуд диққатга сазовор. Мазкур амалиётга кўра, ҳар қандай ҳуқуқбузарлик, шу жумладан, ғайриижтимоий хулқ-атворнинг гувоҳи бўлган Германия фуқаролари бу ҳақда дарҳол давлат органларига телефон орқали оғзаки, СМС ёки ММС кўринишида хабар беради. Хабар асосида тезкор профилактик чоралар кўрилиб, натижаси ҳақида фуқарога маълум қилинади[9].

Мазкур амалиётнинг илк белгиларини мамлакатимизда 2018 йил

8 январда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан "Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида"ги 15-сонли қарорнинг қабул қилинганида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил

14 февралдаги "Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида"ги ПҚ-3528-сон қарорида илгор хорижий тажрибани ўрганиш асосида "Жамоат тартибини сақлашда фуқароларнинг

иштироки тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифасининг белгиланганлигида кўриш мумкин[10].

Бундан ташқари, Тошкент шаҳридаги Инха Университети талабалари А. Сияев, Ш. Содиқов, Ю. Хўжаева ва З. Усмоновлар Россиядаги "Наш город", АҚШдаги "Boston 311", Жанубий Кореядаги "e-people" дастурларнинг аналоғи сифати "ProActive" инновацион дастурни ишлаб чиқдилар. Муаллифларнинг изоҳ беришича, мазкур дастур халқ қабулхоналарининг янгича шакли сифатида талқин этилиб, фуқароларнинг ижтимоий огоҳлиги, жамоат тартиби, хавфсизлиги ва осойишталигига дахлдорлигини оширади. Дастур мазмунига кўра, фуқаролар жамоат жойидаги кўнгилсиз ёки фавқулотда ҳолатлар ҳақида мурожаатларни СМС ёки ММС кўринишида қўл телефони орқали тегишли давлат органларига юбордилар ва СМС орқали жавоб оладилар[11].

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига кенг жамоатчиликни жалб этишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш дунёдаги кўпчилик давлатлар, хусусан, Буюк Британия, АҚШ, Канада, Германия ва Австралия шаҳарларида кузатилади. Мазкур тадбирларни амалга ошириш учун "Neighborhood watch (Кўшнининг кузатуви)", "Crimestoppers (жиноятни тўхтатувчилар)", "Crimeprevention throughen vironment design (broken window) (Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташқи муҳитдан кузатув остига олиш (синиқ ойналар)", "Safety City (Хавфсиз шаҳар)" каби дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга самарали тадбиқ этиб келинмоқда[9].

Бу борада, Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганларидек, "Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятига ахборот-коммуникация технологиялари кенг татбиқ қилинмоқда. Жумладан, Тошкентда "хавфсиз шаҳар", Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарларида "хавфсиз туризм", Паркент туманида "хавфсиз дам олиш" концептуал лойиҳалари жорий этилмоқда"[12]. Бу каби дастур ва лойиҳаларнинг амалиётга тадбиқ этилишини тўла қўллаб-қувватлаймиз[13].

Қутқарув шакли "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги қонуннинг 44-моддаси талаблари асосида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса ҳузурда ташкил этиладиган қутқарув хизматлари фаолиятида намоён бўлади. Ушбу шаклнинг бошқаларидан фарқи шундаки, у реал хавф юзага келганида, уни бартараф этиш мақсадида амалга ошириладиган ҳаракатларда намоён бўлади.

Белгиланган шакли кўргазмалли шаклга ўхшаб кетсада, у кўргазма учун эмас, балки муайян тартиб-қоидаларга амал қилишни таъминлаш мақсадида фойдаланилиши билан фарқланади. Ушбу шакл асосан йўл ҳаракати хавфсизлигини, шунингдек белгиланмаган жойда таъмаки маҳсулотларини чекмаслик, ахлат тўкмаслик, тақиқланган объектларга кирмаслик кабиларни таъминлашда кенг фойдаланилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 июлдаги "Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан айни пайтда йўл белгиларини ўрнатиш аҳволи танқид остига олиниб, Ўзбекистонда "Uzavtoyo'lbegi" давлат унитар корхонаси ташкил этилди[10]. Дарҳақиқат, йўл белгиларининг аниқ ва кўринарли тарзда жойлашуви, уларни нур қайтарувчи махсус қопламалардан фойдаланилган ҳолда тайёрланиши ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш самардорлигини ошириб, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга катта хизмат қилади.

Хуллас, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасида профилактика шакллари қўллаш самардорлигини ошириш учун биринчидан, илмий-амалий жиҳатдан ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси шакллари мазмун ва моҳиятини очиб бериш ва тизимини яратиш; иккинчидан, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси шакллари амалда қўллаш асослари ва тартибини ишлаб чиқиш; учинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси шакллари қўллашга доир билим ва амалий кўникмаларини ошириш лозим деб ҳисоблаймиз.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Игошев К.Е. Социальный контроль и профилактика преступлений. - Горький, 1976. - 27-б.
2. И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов. Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. - 193-б.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Ж. IV. Тартибот-Шукр / Таҳрир ҳайъати: Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. Ўз. Рес. ФА Тил ва адабиёт ин-ти. - Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2008. 537-б.
4. Алимов Ҳ.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, профессор У. Таджиханов. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. - 87-б.
5. Тураев Б.О. Фалсафа. Дарслик. М.А. Ахмедованинг умумий муҳаррирлиги остида: олий ўқув юрглари учун дарслик / Т., 2005. - 152-б.
6. Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Н.Т. Исмоилов, Ў.Х. Мухамедов, А.С. Турсунов ва бошқ.; Ш.Т. Икрамов ва И.А. Хамедов таҳрири остида. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2016. - 154-б.
7. Ички ишлар органлари профилактика хизматининг фаолияти: Дарслик / И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев, Ж.С. Мухторов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. - Б. 142, 168, 203 - 204.
8. Аҳмедова Г.Ў. Уюшган гуруҳлар кичик тadbиркорлик соҳасида содир этадиган жиноятларнинг олдини олиш (Ўзбекистон Республикаси ИИВ маълумотлари асосида). юрид. фан. ном. дис. - Т., 2007. - 107-б.
9. Амиров З.А. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ҳуқуқий тарбия: назария ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти: Монография / Масъул муҳаррир: юридик фанлар доктори, доцент Х.Т. Маматов. - Т.: "LESSON PRESS", 2016. - 262 б.
10. <http://www.lex.uz>.
11. ProActive - халқ қабулхоналарининг янгича шакли / Kun.uz. 21.02.2018. 7398.
12. Мирзиёев Ш.М. Тартиб-интизом ва масъулиятни кучайтириш, жиноятчиликнинг олдини олиш муҳитини мустаҳкамлаш - ҳуқуқбузарлик профилактикаси самардорлигининг асосий омилдир // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 15.11.2017)
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашининг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида"ги 3528-сонли қарори // URL: <http://www.lex.uz>

Умид Шодиевич Холикулов,

Соискатель Академии Министерства
внутренних дел Республики Узбекистан,
кандидат юридических наук, доцент



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-1-9>

ТЕХНИКО-ЮРИДИЧЕСКИЕ ПРИЕМЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ОСОБЕННОЙ ЧАСТИ УГОЛОВНОГО КОДЕКСА

Аннотация: В статье исследуются возможности совершенствования уголовного законодательства при разработке проекта нового Уголовного кодекса, приемы юридической техники в законотворческой практике, рассматриваются способы конструирования норм, систематизации статей и совершенствование языка уголовного закона, использование примечаний в УК РУз.

Ключевые слова: уголовное право, законодательная техника, приемы, классификация, конструирование, реформирование.

Умид Шодиевич Холикулов,

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар
вазирлиги Академияси тадқиқотчиси,
юридик фанлар номзоди, доцент

ЖИНОЯТ КОДЕКСИ МАХСУС ҚИСМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ТЕХНИК-ЮРИДИК УСУЛЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада янги таҳрирдаги Жиноят кодекси лойиҳасини яратиш жараёнида жиноят қонунчилигини такомиллаштириш имкониятлари, қонун ижодкорлигидаги юридик техника усуллари таҳлил этилади, нормаларни яратиш, моддаларни тизимлаштириш ва жиноят қонуни тилини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига изоҳлардан фойдаланиш йўллари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: жиноят ҳуқуқи, қонунчилик техникаси, усуллар, тасниф, яратиш, ислоҳ қилиш.

Umid Shodievich Kholikulov,

Researcher of Academy of the Ministry
of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan,
PhD in Law, associate professor

TECHNICAL AND JUDICIAL TECHNIQUES OF IMPROVING THE SPECIAL PART OF CRIMINAL CODE

Annotation: The possibilities of improving the criminal law in the development of the draft of the new Criminal Code, the techniques of legal techniques in law-making practice are analysed, how to construct norms, systematize articles and improve the language of criminal law, the use of notes in the Criminal Code of Uzbekistan are discussed in the article.

Keywords: criminal law, legislative technique, techniques, classification, constructing, reforming.

For citation: Umid Shodievich Kholikulov. TECHNICAL AND JUDICIAL TECHNIQUES OF IMPROVING THE SPECIAL PART OF CRIMINAL CODE. Journal of Law Research. 2019, 1 vol., issue 1, pp. 63-68

За годы реформирования уголовного кодекс претерпел множество изменений в позитивную сторону. Это и система наказаний, и криминализация и декриминализация деяний, институт примирения и классификация преступлений. Все эти изменения осуществлялись с учетом правового положения виновного в совершении преступления, что обосновывается с пересмотром ценностей, то есть приоритетом стал человек, его неотъемлемые права и свободы.

Вместе с тем следует отметить, что многочисленные изменения, внесенные в УК привели к увеличению пробелов, противоречий, дублирования, нарушению системности законодательства как внутренней так и межотраслевой. В результате увеличилась рассогласованность норм и суверенизация институтов уголовного права, которые создают немало проблем для правоприменителей, могут привести к нарушениям прав и законных интересов граждан и в конечном итоге создают угрозу утраты уголовным законодательством его регулятивных и предупредительных возможностей.

С учетом указанных обстоятельств представляется, что работу по совершенствованию действующего УК необходимо вести по следующим направлениям: 1) совершенствование теории уголовного права; 2) переоценка наказуемости деяний с учетом регулятивных возможностей иных отраслей права; 3) конструирование норм УК и совершенствование понятийного аппарата.

Для решения вопроса доктринального характера, необходимо по новому взглянуть на некоторые устоявшиеся понятия, которые относятся к принципам уголовного законодательства, институту наказания и сравнить их с опытом зарубежных стран.

Теория уголовного права по комплексной реформе уголовного законодательства в середине 1990-х годов, характеризовалась требованием более рациональной системы уголовного правосудия, то есть эффективного, справедливого и гуманного уголовного правосудия. Существование системы уголовного правосудия было основано на утилитарных основаниях. Однако структура и функционирование пенитенциарной системы не могут быть определены исключительно на основе ее полезности. Критерии справедливости и гуманности также должны быть приняты во внимание. Пенитенциарная система должна быть рациональной в отношении своих целей (полезности) и рациональной в отношении своих ценностей (справедливости, гуманности).

При этом сводить справедливость только на соразмерность наказания является не вполне оправданным и создаёт риск ограничения борьбы с преступностью лишь уголовно-правовыми средствами.

Вместе с тем, одним из критериев криминализации или декриминализации может служить Конституция Узбекистана. Можно отметить следующие особенности

влияния Конституции на уголовное законодательство: 1) она проявляется когда положения УК противоречат предписаниям Конституции; 2) нормы Конституции не указывающие на преступность и наказуемость деяний, влияют на Особенную часть УК только в плане определения уголовно-правового запрета (криминализация или декриминализации деяния) либо пенализации или депенализации.

Кроме того, конституционное влияние на уголовное право может проявляться и в развитии учения об объекте преступления. Для этого, прежде всего необходимо уточнить, какие права и интересы человека являются самыми важными и подлежащими первоочередной уголовно-правовой охране.

На сегодняшний день в УК Республики Узбекистан существуют такие нормы, в которых по сути криминализированы нарушения правил или законодательства при достаточно абстрактном отражении объекта преступления. Например, статья 183 Нарушение законодательства о конкуренции и законодательства о естественных монополиях, где сразу определить чьи права либо интересы нарушены и в каком объеме, практически невозможно.

Также, разнообразный подход к природе уголовного права во многом продиктован различными типами понимания права и, во многом, носит методологический характер с использованием своеобразной терминологии и законодательной техники. В этой связи актуальным остаётся мнение

С.С. Алексеева о том, что "проблемы правового регулирования, связанных с ними особый понятийный аппарат - это, в сущности, особый угол зрения на всю правовую действительность, это методологический подход"[1]. Исследование задач действующего уголовного законодательства Республики Узбекистан и предложения по его кардинальному реформированию выдвигают на первый план потребность в отказе от общепризнанных стандартов национальной методологии, навязывающей административно-командный метод регулирования, обусловленный законодательной техникой.

В правовой доктрине общепризнанно, что элементами законодательной техники являются основанные на практике правотворчества, и научно обоснованные средства, правила и приемы подготовки и закрепления совершенных по форме, структуре, стилю изложения законодательных актов, обеспечивающих наиболее полное и точное соответствие формы нормативных предложений их содержанию.

Приемы законодательной техники, выражают особенности юридико-технического построения законодательного акта. Они в определенной степени касаются и формы закона, но в первую очередь направлены на изложение содержания нормативных предписаний.

В этом смысле большинство авторов, относящих приемы к элементам законодательной техники, подразделяют такие приемы на две группы в зависимости от: 1) степени обобщения конкретных показателей нормы; способа изложения элементов нормы[2]. В первую группу включают два приема - абстрактный и казуистический, во вторую три - прямой (простой и описательный), отсылочный (ссылочный), бланкетный.

Полагаем, что к основным (стратегическим) элементам конструирования норм уголовного права необходимо отнести и такие приемы как примечание и дефиниция.

Абстрактный и казуистический приемы различаются тем, что первый - подразумевает обобщающую формулировку (с помощью родовых признаков), а

второй связан с детальным изложением норм при помощи индивидуальных (конкретных) признаков. И тот и другой имеют как преимущества, так и недостатки. Так, абстрактный прием позволяет кратко и сжато изложить соответствующие правовые нормы, уменьшить объем нормативного акта, что обеспечивает гибкость и приспособляемость закона; в то же время он связан с опасностью субъективного толкования предписаний, искажения смысла закона. При казуистическом толковании законодатель включает всевозможные способы совершения преступления, порой выделяет специальную норму. При этом увеличивается конкуренция специальных норм и создаёт дополнительные трудности для правоприменительной практики. Действующий приём казуистического описания диспозиций требует пересмотра достижений как национальной, так и зарубежной уголовно-правовой науки.

При описании диспозиций национального уголовного законодательства превалирует абстрактный способ описания, потому что этот способ имеет преимущества перед казуистическим. Излишние казуистические формулировки отдельных норм УК РУз, когда различные по характеру и степени общественной опасности признаки используются при конструировании одного и того же состава преступления, являются серьёзной помехой для классификации преступлений и индивидуализации наказаний (например, ст. 1855 и др.), требует большого разрыва между видами и размером наказаний.

Вместе с тем излишнее использование обобщенных формулировок (абстрактный способ) приводят к чрезмерной обобщенности, неконкретностью и неопределенностью признаков преступления, что затрудняет их правильное понимание, создает предпосылки для различного толкования.

При конструировании составов преступлений невозможно полностью избежать использования прямого, ссылочного и бланкетного приемов законодательной техники. Первый из них характеризуется тем, что в нормативном предписании описывается соответствующее правило поведения, признаки которого понятны и интерпретируются без обращения к иным нормативно-правовым актам. Примером конструирования простых диспозиций являются нормы закрепленные в ст. 97, 138 УК РУз и др. Несомненным достоинством данного приема следует признать стабильность соответствующего нормативного предписания, его конкретность и точность.

Ссылочная (или отсылочная) диспозиция характеризуется наличием отсылки к другой статье (части, пункту статьи) уголовного закона. Учитывая объем нормативного материала иной отраслевой принадлежности и частоту внесения в них изменений и дополнений может показаться, что бланкетный и отсылочный приемы являются способом экономии нормативного материала и поэтому традиционно рассматриваются базовыми в регламентации преступных деяний в сфере хозяйственной деятельности и некоторых других преступлений.

Отсылочный прием используется в УК РУз (и не только) в нескольких вариантах и может быть, как явной, так и скрытой. Забегая вперед следует отметить, что бланкетная норма имеет такие же свойства. Одним из примеров использования отсылок при описании уголовно-правовых запретов традиционно может служить описание квалифицированных составов, когда законодатель применяет формулировки "те же деяния, совершенные ..." либо "деяния, предусмотренные частями первой или второй настоящей статьи, совершенные...".

В других случаях отсылка может осуществляться в рамках главы УК, например, в ч. 1 ст. 137, которая, при описании способов похищения человека, указывает на исключение "признаков, предусмотренных статьей 245 настоящего Кодекса".

Третий вариант предусматривает ситуацию, когда ссылочные диспозиции используются с целью компактного изложения существа запрета, когда признаки преступного деяния полностью или хотя бы частично раскрываются с помощью ссылки на другую статью. Как правило, данный прием чаще всего используется в диспозициях статей Особенной части УК Рз при описании признаков составов преступлений (например при совершении преступлений, связанных с причинением тяжких и средней тяжести телесных повреждений и др.).

Бланкетная диспозиция уголовно-правовой нормы характеризуется законодательной отсылкой к другим отраслям права. Такая конструкция статей УК неизбежна и необходима для охвата тех или иных меняющихся по опасности элементов составов преступлений. Текст бланкетной диспозиции нормы УК может оставаться стабильным достаточно долго, а содержание меняться в связи с изменением связанных норм иных отраслей права. Бланкетная диспозиция предполагает не просто интерпретацию и использование закрепленных в ней признаков, но и уяснение и применение положений нормативных актов других отраслей права. Без этого невозможно установить в полном объеме признаки объективной стороны данного состава преступления. Типичных "бланкетных" норм в уголовном законе около 60 ти. Таковыми могут быть, к примеру, ст.142, 143, 145, 185 УК РУз и др.

Если использование отсылочных норм не создает серьезных проблем, то бланкетное описание необходимо использовать с большой осторожностью. Так, при использовании бланкетного описании существует риск утраты конкретной нормой реального объекта охраны. В данном случае возможна криминализация деяния, не посягающего на какое-либо благо или интерес, в связи с чем, в таких случаях необходимо дополнительное указание на него.

На наш взгляд, диспозиция, по возможности, должна содержать исчерпывающий перечень действий, которые образуют состав преступления, а казуистичность способна даже повысить эффективность нормы.

Постановления Президента Республики Узбекистан "О мерах по кардинальному совершенствованию системы уголовного

и уголовно-процессуального законодательства" 14 мая 2018 года № ПП-3723 даёт уникальную возможность разработки качественно нового уголовного законодательства. Полагаем, что в рамках подготовки проекта уголовного законодательства необходимо полностью пересмотреть структуру Особенной части. Это возможно осуществить путем группировки в отдельные категории деяния или события в зависимости от их тяжести, также сгруппировать объект посягательства и остальные основные признаки состава преступления. После чего возможно комбинирование различных составов преступлений, глав и разделов с учетом общих свойств ценностей, прав и интересов личности, общества и государства. При этом нежелательно совершенствовать нормы, институты Уголовного кодекса раздельно, так как снова возникнет риск рассогласованности.

После систематизации Особенной части следует решить вопрос о наказуемости деяний, путем установления определенного вида и размера наказания за совершенное деяние и объект посягательства, что позволит сузить разрыв наказаний в санкциях.

Важное место в совершенствовании УК занимает правовое значение терминов, которое расположено в Разделе 8 УК РУз. Думается, что данное положение также имеет потенциал дальнейшего совершенствования. При этом значимую роль играют примечания, который не только правотворчески эффективен, но и выступает самым оптимальным вариантом технико-юридического решения нормативной проблемы. Правовое значение, являющееся приемом юридической техники, следует признать составной частью нормы права, главы либо раздела Кодекса, существующей в виде нормативно-правового предписания, представляющего собой способ текстуального выражения частей норм права.

Таким образом, четкое определение понятий, содержащихся в текстах нормативных правовых актов, является необходимым условием их эффективного использования в механизме правового регулирования. Именно благодаря правовым терминам нормы права находят свое закрепление в юридических документах, становятся официально действующими предписаниями. При разъяснении значения одного и того же термина, использованного в различных статьях в соответствии с их смыслом, необходимо указывать их в виде примечания к соответствующей статье.

Так, в на основании Раздела 8, близкими родственниками признаются лица, состоящие в родстве или свойстве, то есть родители, кровные и сводные братья и сестры, супруги, дети, в том числе усыновленные (удочеренные), дедушки, бабушки, внуки, а также родители, кровные и сводные братья и сестры супругов.

Вместе с тем в п. "б" ч.3 ст. 118 и п. "б" ч.3 ст. 119 предусмотрена более суровая ответственность за совершение указанных преступлений в отношении близкого родственника. На наш взгляд совершение изнасилования (насильственного удовлетворения половой потребности в противоестественной форме) в отношении супруги не имеет более высокую общественную опасность по отношению к основному составу. Для уточнения данного обстоятельства возможно указать исключение в виде примечания к указанным статьям.

Сноски/Иқтибослар/References

1. Алексеев С.С. Общая теория права. В 2 т. Т. 1 М., 1981. С. 288.
2. Бабаев В.К., Баранов В.М., Толстик В.А. Теория права и государства: В схемах и определениях. М., 2000. С. 85.

Кадирова Мохигул Хамитовна,

Тошкент давлат юридик университети
Жиноят-процессуал ҳуқуқи ва
криминалистика кафедраси доцент в.б.
E-mail: mohigulk@inbox.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-1-10>

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА СУД МУҲОКАМАСИ МУДДАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Мақолада жиноят ишлари бўйича суд муҳокамаси муддатларини қисқартириш ва дифференциациялаш муаммолари баён этилган. Жиноят процессида "Plea bargain" институтини жорий этиш орқали амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш таклиф этилган.

Калит сўзлар: ахборот, касбий масъулият, дифференциация, "Plea bargain", суд муҳокамаси муддатлари, оқилона муддатлар.

Кадирова Мохигул Хамитовна,

и.о. доцента кафедры Уголовно-процессуального
права и криминалистики Ташкентского
государственного юридического университета
E-mail: mohigulk@inbox.ru

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СРОКОВ СУДЕБНОГО РАЗБИРАТЕЛЬСТВА В УГОЛОВНОМ ПРОЦЕССЕ

Аннотация: В статье обсуждаются проблемы дифференциации и сокращения сроков судебного разбирательства по уголовным делам. Разработаны предложения по совершенствованию норм действующего уголовно-процессуального законодательства путем введения института "Plea bargain".

Ключевые слова: информация, профессиональная ответственность, дифференциация, "Plea bargain", сроки судебного разбирательства, разумные сроки.

Kadirova Makhigul Khamitovna,

Acting associate professor of the Department
of Criminal Procedure Law and Criminalistics
of the Tashkent State University of Law
E-mail: mohigulk@inbox.ru

IMPROVMENT OF THE JUDICIAL TRIAL TERMS IN THE CRIMINAL PROCESS

Annotation: The problems of differentiation and shortening the terms of criminal proceedings in criminal cases are discussed in this article. Proposals to improve the norms of the current criminal procedure legislation by introducing the institute "Plea bargain" were developed.

Key words: information, professional responsibility, differentiation, "Plea bargain", judicial trial terms, reasonable terms.

For citation: Kadirova Mokhigul Khamitovna. IMPROVEMENT OF THE JUDICIAL TRIAL TERMS IN THE CRIMINAL PROCESS. Journal of Law Research. 2019, 1 vol., issue 1, pp. 69-73

Суд муҳоқамаси - жиноят процессининг марказий ва асосий босқичи бўлиб, суд томонидан жиноят ишининг мазмунан кўриб чиқилиши ва судланувчининг айбдорлиги ёки айбсизлиги, унга нисбатан жиноий жазо чораларини қўллаш ёки қўлламаслик тўғрисидаги масаланинг ҳал қилинишидан иборат.

Суд муҳоқамаси: суд мажлисининг тайёрлов қисми, суд тергови, тарафларнинг музокараси ва судланувчининг охириги сўзи, ҳукм чиқариш даврларини ўз ичига олиб, қонунда ушбу ҳаракатлар учун алоҳида муддатлар эмас, балки умумий икки ойлик муддат белгиланган. Жумладан, ушбу муддат илк маротаба 2003 йил 12 декабрь қонуни билан Жиноят-процессуал кодексига киритилган бўлиб, муқаддам судлар фаолиятида мавжуд бўлган сансалорликни бир мунча чеклаш имконини берди.

Бироқ ҳозирда ушбу муддатни бузган ҳолда жиноят ишларини кўриш ҳолатларига ҳам йўл қўйилиб [1], бу эса суд муҳоқамасига оид муддатлар билан боғлиқ мавжуд муаммоларни тизимли равишда илмий асосда тадқиқ этиш ва унинг ҳуқуқий ечимларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Бу борада тадқиқотчиларнинг мунозарали фикрлари мавжуд бўлиб, жумладан, И.Н.Самблина, ҳар бир судья давлат ва жамият олдидаги ўз бурчини англаб, ҳар бир жиноят ишига сидқидилдан ёндашсагина суд тезкор бўла олиши мумкин, деб ҳисоблаб, бунинг асосий ресурс - инсон фактори эканлиги билан изоҳлайди [2].

Назаримизда бундай ёндашув ўринли, бунда судьянинг ҳар бир жиноят ишига виждонан ёндашиши ҳусусида сўз юритилмоқда. Суд муҳоқамасининг оқилона тезкорлиги, кўп жиҳатдан, қуйидагилар билан ҳам боғлиқ:

- 1) процесс иштирокчиларининг процессуал фаоллигига;
- 2) жиноятларнинг мураккаблигига;
- 3) дастлабки тергов органларининг ўз ишига сидқидилдан ёндашишига.

Баъзи тадқиқотчилар, суд инстанцияларида муддатларга риоя этмасликнинг объектив ва субъектив сабаблари мавжуд бўлиб, объектив сабаблар: жиноятларнинг сони ва сифати ошиб бораётганлиги, экспертиза тайинланиши, процессуал қонуннинг такомил эмаслиги, унда бўшлиқларнинг мавжудлиги бўлса, субъектив сабаблар: суд амалиётида ишни режалаштирмаслик ва танаффус эълон қилишдан кенг фойдаланишдир, деган фикрда. Жумладан, А.Васяев, бунинг инсоннинг психологик факторидан келиб чиқиб, инсон қабул қилган ҳар қандай ахборотни бир суткадан сўнг 60%ини, икки суткадан сўнг эса 30%ини миёсида сақлай олиши билан изоҳлайди [3].

Дарҳақиқат, суд муҳоқамасида процессуал ҳаракатларнинг тезкорлигига эришиш зарур. Дания ЖПКнинг "Жиноят судлов ишларининг тезкорлиги" принципига мувофиқ, оид судловни амалга оширишда судланувчиларнинг

ортиқча сарсон бўлишларининг олдини олиш мақсадида суд мажлисида ҳатто дам олиш кунлари танаффус эълон қилинишига йўл қўйилмайди [4].

Суд ишни кўришни, ЖПКнинг 405-моддасига мувофиқ, жиноят ишини судда муҳокама қилишга тайинлаш тўғрисида қарор чиқарган вақтдан бошлаб кўпи билан ўн суткада бошлаши лозим. Бироқ, суд амалиёти таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, 1/4 қисм жиноят ишлари бўйича ишни мазмунан кўриш суд муҳокамаси тайинланган муддатда бошланмаган [5].

Бундай суд мажлиси қолдирилиши сабабларига чуқурроқ ёндашадиган бўлсак, улар сирасига:

- 1) айрим иштирокчиларнинг келмаганлиги;
- 2) суд бошқа жиноят ишини кўришни тугалламаганлиги;
- 3) айбланувчи ёки унинг адвокати жиноят иши билан танишмаганлиги;
- 4) қамоқда сақланаётган айбланувчининг этап этилиши билан боғлиқ амалиётда дуч келадиган ҳолатларни ҳам келтириб ўтиш мумкин.

Биринчи ҳолатда, жиноят ишини юритиш муносабати билан суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд томонидан белгиланган тартибда чақирилган шахслар айнан кўрсатилган вақтда ҳозир бўлишлари шарт бўлиб, узрсиз сабабларга кўра келмаганликлари тақдирда улар (гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи, жабрланувчи, гувоҳ) ЖПКнинг 261-моддасига биноан мажбурий келтирилади.

Прокурор ёки ҳимоячи суд мажлисига келмаган тақдирда, суд уларнинг фақат узрсиз сабабга кўра судга келмаганлиги тўғрисида тегишлича юқори турувчи прокурорга ёки адвокатлар палатасига хабар қилиши, жамоат айбловчиси ёки жамоат ҳимоячиси узрсиз сабабларга кўра келмаганда, суд бу ҳақда тегишли жамоат бирлашмаси ёки жамоага хабар қилиши, фуқаровий даъвогар ёки унинг вакили суд мажлисига келмаган ҳолларда, суд фуқаровий даъвони кўрмаслиги ва аксинча фуқаровий жавобгар ёки унинг вакили суд мажлисига келмаганда, фуқаровий даъво кўрилиши тўхтатилмаслиги мумкин.

Қолган уччала ҳолат, судьянинг ихтиёри билан боғлиқ бўлиб, қонун талаби билан юклатилган ушбу мажбуриятни жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичида ҳал этмаганлиги билан изоҳланади.

ЖПКнинг 4051-моддасига асосан, айблов далолатномаси билан келган жиноят ишини судда муҳокама қилиш муддати ишни муҳокама қилиш бошланган кундан эътиборан бир ойдан ошмаслиги лозим бўлиб, ушбу муддат биринчи инстанция судининг ажримига асосан Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича судининг, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судининг раиси томонидан икки ойгача узайтирилиши мумкин.

ЖПКнинг 405-моддасига биноан, қолган барча жиноят ишларини судда муҳокама қилиш муддати ишни муҳокама қилиш бошланган кундан то ҳукм чиқарилишигача икки ойдан ошмаслиги лозим. Бироқ, ЖПКнинг 405-моддаси мазкур муддатларни тўрт, беш, олти ойгача узайтирилишига йўл қўйилишини ҳам кафолатлайди.

Бизнингча, бу турдаги жиноятлар учун белгиланган суд муҳокамасининг узайтирилган муддати зарурий муддат ҳисобланмайди. Негаки, оғир ва ўта оғир жиноятларга оид далилларни судда текшириш ва баҳолаш учун жами тўрт ой кифоя. Жумладан, Қозоғистон ЖПКнинг 302-моддасида суд муҳокамаси муддати барча турдаги жиноятлар учун бир ой; Қирғизистон ЖПКнинг 252-моддасида

ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар учун бир ой, оғир ва ўта оғир жиноятлар учун икки ой, ишнинг мураккаблигига қараб, яна шунча муддатга узайтирилиши белгиланган.

Ҳозирга қадар суд муҳокамаси муддатларини тартибга солиш хусусида ягона тўхтам мавжуд эмаслигини ва тадқиқотчилар томонидан суд муҳокамаси муддатларини соддалаштириш хусусидаги адолатли қарашларини инобатга олиб [6], жиноятларнинг мураккаблигига кўра суд муҳокамаси муддатларининг туркумланиши жиноят ишларининг оқилона муддатда ҳал этилиши ва суд иш юритуви самарадорлигининг ошишига хизмат қилади.

Хорижий мамлакатларда бундай муаммоларга алоҳида эътибор берилади. Масалан, АҚШ Конгресси томонидан "Суд муҳокамасини тезлаштириш тўғрисида" қонун қабул қилинган бўлиб, у жиноят процессида оқилона муддатларни белгилаш, процесснинг тезкор механизмини шакллантириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъулиятини оширишни назарда тутди. 1975 йил 3 январдан буён амалда бўлган мазкур қонун дастлабки терговда айблов эълон қилинганидан ёки шахснинг қамоққа олинганидан бошлаб суд муҳокамаси 75-180 сутка ичида бошланиши лозимлигини кафолатлайди. Агар ишда иштирок этаётган адвокат ёки прокурорнинг лоқайдлиги ёхуд ўз вазифасини суистемол қилиши натижасида процессуал муддатларни қўпол равишда бузилишига йўл қўйилса ва бунинг натижасида айбланувчи қамоқда асоссиз равишда узоқ сақланишига сабаб бўлса, суд айбдор адвокатни унга тегишли гонорарининг 25% миқдоридан маҳрум этиши ёхуд олинган гонорарнинг 25% миқдоридан жарима солиши назарда тутилган. Жиноят иши ўз вақтида қўрилмаслигига айбдор прокурор ҳам 250 АҚШ доллари миқдоридан жаримага тортилиши мумкин. Бундан ташқари, судья ушбу иштирокчиларнинг ҳар қайсисини ойлик маоши ёки гонорарни олиш ҳуқуқидан маҳрум этган ҳолда 90 кунгача ишдан четлаштириши ҳамда тегишлича ахлоқ ишлари бўйича комиссияга тақдимнома киритишини кафолатлайди [7].

Жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди томонидан жиноят иши бўйича судьянинг ўз ишига масъулият билан ёндашмаслиги натижасида суд муҳокамасининг ўзини оқламайдиган нооқилона муддатда юритилганлигидан жабр кўрган тараф фойдасига айбдор давлат ҳисобидан 5-50 минггача Евро пул миқдоридан жарима солиниши белгиланган [8]. Бундай салбий ҳолатларга чек қўйиш мақсадида МДҲ давлатлари ичида Россияда 2008 йил 26 сентябрда "Оқилона суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқ бузилишидан етказилган зарарнинг давлат томонидан қопланиши тўғрисида"ги Конституциявий қонун қабул қилинган бўлиб, у 2010 йил 1 январдан буён суд муҳокамасида оқилона муддатлар бузилганлиги тўғрисидаги жиноят ишларини кўриш ва бу шикоятнинг қонуний ҳал этилишини тартибга солган.

Назаримизда, суд иш юритувида баъзи процессуал қоидаларнинг энг афзалини аниқлаш ва амалиётга жорий этиш муҳим вазифа саналади. Хусусан, "Айбига иқрорлик битими" институти ҳам хорижий тажрибада синалган [9] бўлиб, унга кўра, шахс жиноят содир этгани ҳақида тегишли давлат органларига ўз хоҳиши билан хабар бериши, жиноятнинг зарарли оқибатларини бартараф этиши, қонунга итоткорлик намуналарини кўрсатиши каби ҳолларда процессни соддалаштириш мезонлари батафсил тартибга солинган. Ҳозирда АҚШ ва Европанинг кўплаб мамлакатларида "Plea bargain", яъни Айбига иқрорлик битими қўлланилиб келинмоқда. Бундай соддалашган усулдан АҚШ амалиётида

150 йилдан буён 75-90% жиноят ишларини кўришда фойдаланилиб, жиноят процессида вақт ва маблағларни тежаб келмоқда. Ушбу институтнинг АҚШдан фарқли ўлароқ Европа мамлакатлари, хусусан, Испания, Италия, Эстонияда ҳам барча турдаги жиноят ишларининг 20%и биринчи инстанция судларида умумий тартибда кўрилса, 80%и айбига иқрорлик битими асосида тугатилади [10].

Баён этилганларга асосланиб, суд муҳокамасида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоясини таъминлаш учун суд муҳокамаси муддатини узайтиришни танқидий ўрганиш, илмий мушоҳада юритиш, оғир ва ўта оғир жиноятлар юзасидан суд муҳокамаси муддатини узоғи билан тўрт ойгача узайтиришни назарда тутиш - жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят процессида одиллик принципини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади ҳамда жиноят процессини соддалаштириш, дифференциациялашга қўйилган илк қадам (ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар юзасидан суриштирув ва суд муҳокамаси муддатлари 1 ой этиб, оғир ва ўта оғир жиноятлар юзасидан тергов муддатининг 7 ой этиб қисқартирилганлиги)нинг мантиқий давоми бўлади [11]. Келгусида миллий қонунчилигимизга юқорида тавсифланган "Айбига иқрорлик битими" институтининг жорий этилиши жиноят процессининг тезкор механизмини шакллантирувчи ҳуқуқий базани такомиллаштиради ва жиноят ишларини судда кўришни осонлаштиради.

Адабиётлар/Сноски/References

1. Кадирова М.Х. Жиноят процессуал муддатларни такомиллаштириш: зарурият ва имкониятлар. Автореф. дисс. ... юрид. фан. номз. -Т., 2011. -Б. 3-5.
2. Самылина И.Н. "Разумные сроки" в уголовном процессе // Российская юстиция, 2009. -№ 4. -С. 49-52.
3. Васяев А. Соблюдение разумного срока судебного разбирательства // Уголовный процесс, 2009. -№5. -С. 118.
4. Гуценко К.Ф., Головкин Л.В., Филимонов Б.А. Уголовный процесс западных государств. 2-е изд. -М.: "Зерцало-М", 2002. -С. 18.
5. Кадирова М.Х. Жиноят процессуал муддатларни такомиллаштириш: зарурият ва имкониятлар. Дисс. ... юрид. фан. номз. -Т., 2011. -Б. 186-201.
6. Сокол Р.П. Процессуальные сроки в судебных стадиях уголовного судопроизводства Российской Федерации: правовая регламентация и процессуальные особенности. Автореф. дисс. □канд. юрид. наук. -Владимир, 2008. -С. 6-7.
7. Бернам У. Правовая система США. 3-й выпуск. Перевод книги "Правовая система США" на русский язык. -М. РИО "Новая юстиция", 2006. -С. 505-506.
8. Бюллетень Европейского Суда по правам человека, 2006. №7. <http://www.gazeta.ru/news>.
9. Костенко Н.С. Досудебное соглашение о сотрудничестве в уголовном процессе. Автореф. дисс. □канд. юрид. наук. -Волгоград, 2013. -С. 15-20.
10. Понамаренко С.С. Сделки о признании вины в Российском уголовном процессе // Правоведение, 2001. -№5. -С. 131-135. Роговая С.А. Особый порядок вынесения приговора при согласии обвиняемого с предъявленным обвинением - "Сделка о признании вины"? // Экономическое обозрение. №3, 2006. -С. 31-32.
11. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сонли Қонуни. ЎР ҚХТ, 2017 й., 36-сон.

12.00.02 КОНСТИТУЦИОННОЕ ПРАВО. АДМИНИСТРАТИВНОЕ ПРАВО. ФИНАНСОВОЕ И ТАМОЖЕННОЕ ПРАВО

Умаров Мирюсул Абдуганиевич,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси "Давлат бошқаруви"
йўналиши иккинчи бошқич тингловчиси
e-mail: nemo8585@mail.ru



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2019-1-11>

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳоли билан очиқ мулоқотни йўлга қўйишнинг янги, самарали механизм ва усулларини жорий этиш долзарб масала эканлиги алоҳида қайд этилган. Мазкур мақола мамлакатимизда фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тизими фаолиятини такомиллаштиришга бағишланади.

Калиг сўзлар: халқ, мурожаат, Халқ қабулхонаси, Виртуал қабулхона, очиқлик, қонунийлик, тизим.

Умаров Мирюсул Абдуганиевич,

Слушатель второго курса направления
"Государственного управления" Академии
государственного управления при Президенте
Республики Узбекистан
e-mail: nemo8585@mail.ru

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СИСТЕМЫ РАБОТЫ С ОБРАЩЕНИЯМИ ГРАЖДАН В РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Аннотация: В соответствии со Стратегией действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах отдельно отмечаются актуальные задачи по коренному реформированию системы работы с обращениями физических и юридических лиц, внедрение нового и эффективного механизма и методов по обеспечению открытого диалога с народом. Данная статья посвящена совершенствованию системы работы с обращениями граждан в нашей стране.

Ключевые слова: народ, обращение, Народная приемная, Виртуальная приемная, открытость, законность, система

ISSUES OF IMPROVING THE SYSTEM OF WORKING WITH THE APPEAL OF CITIZENS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Abstract: In accordance with the Strategy for Action in the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021, actual tasks for the fundamental reform of the system of work with appeals from individuals and legal entities, the implementation of a new and effective mechanism and methods to ensure an open dialogue with the people are highlighted. This article is devoted to improving the system of working with citizens in our country.

Keywords: nation, appeal, People's reception, virtual reception, openness, legality, system

For citation: Umarov Miryusup Abduganievich. ISSUES OF IMPROVING THE SYSTEM OF WORKING WITH THE APPEAL OF CITIZENS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. Journal of Law Research. 2019, 1 vol., issue 1, pp. 74-79

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқиши шарт"[1]лиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқида аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, унинг қонуний талаблари, сўров ва таклифларини амалга ошириш учун аниқ чоралар кўриш энг муҳим ва устувор вазифа ҳисобланиши таъкидлаб ўтилган[3].

Барча давлат идоралари фаолиятида аҳолининг мурожаатлари билан ишлаш бўйича сифат жиҳатдан мутлақо янги тизимга ўтилди. Хусусан, 2017 йилдан бошлаб барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдига ҳисобот бериш тизими жорий этилди.

2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш бўйича самарали механизмлари татбиқ этилишига асос бўлиб, ушбу ҳуқуқий ҳужжат асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси ва Халқ Қабулхоналари ташкил этилди.

2017 йил "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб эълон қилингани муносабати билан ҳамда аҳолининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонаси иши тўғрисидаги кўплаб ижобий фикрларини эътиборга олиб, барча даражадаги давлат органлари фаолиятида "Халқ давлат

идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган тамойилни амалда қарор топтириш, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан қуйидаги структуралар тузилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси - Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ишлар бошқармасининг Фуқаролар қабулхонаси негизда;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек ҳар бир туман ва шаҳарда (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари);

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси[4].

Фармон билан Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхоналарининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- Аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими фаолиятини таъминлаш;

- Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига, Олий Мажлисга, Ўзбекистон Республикаси Президенти девонига, Ҳукуматга, давлат бошқаруви органларига, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, бошқа давлат ташкилотларига ва ҳўжалик бошқаруви органларига муурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқларининг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш;

- Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган муурожаатлар "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қатъий амал қилган ҳолда, тўлиқ, холис ва ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этиш;

- Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органлари ва ҳўжалик бошқаруви органларига юборилган муурожаатлар кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш;

- Жисмоний ва юридик шахслар вакилларининг қабулларини давлат органлари ва ҳўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари иштирокида, шу жумладан видеоконференцалоқа орқали ўтказиш;

- Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушаётган муурожаатларнинг қайд этилиши, умумлаштирилиши, тизимлаштирилиши ва кўриб чиқилиши устидан назорат қилиниши бўйича ягона электрон ахборот тизимини жорий этиш ва юритиш йўли билан муурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш.

Мазкур ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январда ПФ-5633 сонли "Аҳоли муаммолари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони қабул қилинди.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари давлат органлари билан аҳоли ўртасида очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, долзарб

муаммоларни аниқлаш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан мурожаатларнинг кўриб чиқилишини таъминлашда ўзига хос самарали механизмга айланганлиги, шу билан Халқ қабулхоналари ташкил этилиши аҳолини йиллар давомида қийнаб келган муаммоларнинг аниқланишига, уларнинг аксарият жойида ҳал этилишига замин яратилганлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида бу йўналиш бўйича алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан: "Халқ билан узлуксиз мулоқот ва инсон манфаатлари учун хизмат қилиш, барча даражадаги раҳбарлар учун нафақат мажбурият, балки ҳаётий тамойилга айланиши шарт. Аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотлар ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш янги йилда ҳам фаолиятимизнинг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб қолади".[2]

Шу билан бир қаторда, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг бевосита фуқаролар билан ишлашга ўтишни, уларнинг халққа, жумладан тадбиркорлик субъектларига яқин кўмакчи бўлишни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

Биринчидан, 2019 йил 1 февралдан Халқ қабулхоналарининг аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича амалдаги тизими билан бир қаторда, Халқ қабулхоналарининг муаммоларини уйма-уй юриш орқали аниқлаш ва ҳал қилишни назарда тутувчи янги тизимни жорий қилиш;

Иккинчидан, Халқ қабулхоналари жойлардаги комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда уйма-уй юриш, ижтимоий ва бошқа объектларни ўрганиш орқали муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳал қилинишини таъминлаш;

Учинчидан, Туман (шаҳар) Халқ қабулхоналари бошчилик қиладиган секторлар штаблари аъзоларидан иборат ишчи гуруҳлар ҳудудларни маҳаллалар ва хонадонлар (оилалар) кесимида таҳлил қилади, аниқланган камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан қисқа (1 йиллик) ва ўрта муддатли манзилли тадбирлар режаларини шакллантириш;

Тўртинчидан, Қисқа муддатли манзилли тадбирлар режалари ижроси туман (шаҳар) ҳокимликлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенashi, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва коммунал соҳа, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, транспорт, капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ва мудофаа саноати масалалари комплекси томонидан таъминланиши;

Бешинчидан, Қисқа муддатли манзилли тадбирлар режалари ижроси тегишли Халқ қабулхоналари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлинмалари томонидан назорат қилиниши;

Олтинчидан, Ўрта муддатли манзилли тадбирлар режалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига келиб тушган мурожаатларда акс этган тизимли муаммолар давлат инвестиция дастурлари ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ҳудудий, тармоқ ва давлат дастурларини, халқаро

молия институтлари иштирокида амалга ошириладиган лойиҳаларни ишлаб чиқишда инobatга олиниши ҳамда ушбу дастур ва лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлиналари билан келишиши масаласи;

Еттинчидан, Халқ қабулхоналари жамоатчилик вакиллари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ташкилотларни жалб қилган ҳолда ҳудудлардаги ижтимоий муҳитни ўрганиш, аҳоли муаммоларини ҳал қилишда очиқлик, шаффофлик ва ҳолиликни таъминлаш чораларини кўриши;

Саккизинчидан, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган аҳоли пунктлари рўйхати Халқ қабулхоналари билан келишилган ҳолда шакллантирилиши;

Тўққизинчидан, Халқ қабулхоналари секторлар ва ҳудуддаги ташкилотлар раҳбарлари фаолияти, мурожаатлар билан ишлаш ҳолати юзасидан тегишли халқ депутатлари Кенгашлари мажлисида муҳокама қилиш учун ҳар чоракда ахборот киритиши ҳамда ушбу ахборот юзасидан мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботи эшитилиши;

Ўнинчидан, Республика даражасида ҳал этиладиган муаммолар тўғрисида маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш масалалари бўйича маслаҳатчиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳал қилиш учун киритилиши вазифалари белгиланди.

Шу билан бир қаторда, давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига баҳо беришда қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қандай ҳимоя қилинаётгани, уларга давлат хизматлари кўрсатишнинг сифати ва очиқлиги энг асосий мезон сифатида белгиланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, фуқаролар мурожаатларнинг аксарият қисми қонунчиликка зид бўлган идоравий қарорларни бекор қилиш, ишга жойлашиш, соғлиқни сақлаш, банк кредитларидан эркин фойдаланиш, уй-жой-коммунал ва йўл-транспорт хизматлари сифатини яхшилаш масалалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг фаолияти бўйича ташкил этди.

Бугунги кунда мазкур йўналишда олиб борилаётган изчил ислоҳотларни давом эттириш ва такомиллаштириш борасида қуйидаги масалаларни кўриб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади:

1) Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқишда маълумотлар очиқлиги тамойилини жорий этиш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси порталида мурожаат ёки шикоят кўриб чиқиш ҳолати билан бир қаторда, мурожаатдаги масала билан шугулланадиган аниқ давлат ва хўжалик бошқаруви органлари масъул ижрочи бўйича маълумотларни жойлаштириш. Бунда масъул ижрочи лавозими, хизмат телефон рақами каби маълумотлар акс эттирилади;

2) Қайта алоқа механизмини жорий этиш. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш натижаси бўйича хизматларни баҳолаш имкониятига эга бўлиши лозим. Ушбу баҳолаш махсус ишлаб чиқилган шкала ёрдамида саволнома, он-лайн фикр ёки баҳолаш тизими орқали амалга оширилиши мумкин.

3) Фуқаролар муурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги бўйича номоддий рағбатлантириш тизимини жорий этиш. Мисол учун, ташаккурнома эълон қилиш, давлат идораларининг веб-сайтларида фуқаролар муурожаатлари билан ишлаш масалаларида самарали фаолият юритган мансабдор шахс бўйича маълумотларни жойлаштириш.

4) Фуқаролар муурожаатларини кўриб чиқиш фаолияти билан боғлиқ давлат хизматчилари ойлик маошларини дифференцияланган тартибни жорий этиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш. Мазкур тартибни ойлик маошига қўшимча равишда махсус кўпайтирувчи ёки камайтирувчи коэффицентлар воситасида амалга ошириш мумкин.

Юқорида қайд этилган чора-тадбирларни амалга ошириш фуқаролар муурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек давлат идоралари ва фуқаролар ўртасидаги алоқаларни янги поғонага олиб чиқишга ҳамда самарали ташкил этишга ёрдам беради.

Адабиётлар/Сноски/References

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2018.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисига Муурожаатномаси 28.12.2018 й.// Халқ сўзи. 2018 йил, 29 декабрь.
3. Ш.М.Мирзиёев "Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз" Тошкент, "Ўзбекистон" 2017.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабр ПФ-4904-сонли "Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлари тўғрисида" ги Фармони



МУНДАРИЖА/СОДЕРЖАНИЕ/CONTENTS

1. Mukhitdinova Firuza Abdurashidova PROBLEMS OF IMPROVEMENT OF LAWS AND LEGALITY IN THE WRITINGS OF SCIENTISTS OF THE EAST.....	4
2. Khosiyat Mamatkulova THE ROLE OF AN EXPERT AND A SPECIALIST IN THE INVESTIGATION OF CRIMES IN THE FIELD OF INFORMATIONAL TECHNOLOGIES.....	13
3. Narzullaev Olim Kholmamatovich BIOLOGICAL RESOURCES PROTECTION.....	19
4. Feruzbek Khurramovich Khudaykulov THE OBJECTIVE SIDE OF THE CRIME STRUCTURE (CORPUS DELICTI) AND ITS FACULTATIVE SIGNS: THEORETICAL-PRACTICAL PROBLEMS AND THEIR SOLUTIONS.....	26
5. Akhmedova Mukaddas Tursunovna ENSURING SECURITY OF THE STATE TERRITORY AND BORDER IN THE AMIR TEMUR ERA.....	36
6. Rakhimova Ulzana Khamidullaevna LEGAL REGULATION OF THE ACTIVITIES OF FORENSIC EXPERTISE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	43
7. Rakhmanov Rasul Narzullaevich SOME THOUGHTS AND OPINIONS ABOUT THE VIEWS OF EASTERN THINKERS ABOUT FAMILY EDUCATION OF CHILDREN.....	51
8. Siyovush Bakhtiyorovich Khujakulov SCIENTIFIC AND PRACTICAL ANALYSES OF THE FORMS OF GENERAL PREVENTION OF OFFENCES.....	57
9. Umid Shodievich Kholikulov TECHNICAL AND JUDICIAL TECHNIQUES OF IMPROVING THE SPECIAL PART OF CRIMINAL CODE.....	63
10. Kadirova Mokhigul Khamitovna IMPROVEMENT OF THE JUDICIAL TRIAL TERMS IN THE CRIMINAL PROCESS.....	69
12. Umarov Miryusup Abduganievich ISSUES OF IMPROVING THE SYSTEM OF WORKING WITH THE APPEAL OF CITIZENS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN.....	74

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ
ИССЛЕДОВАНИЙ**

JOURNAL OF LAW RESEARCH

2019 №1



Масъул муҳаррир: Шохруд Файзиев

Мусахҳиҳ: Сураё Рахмонова

Техник муҳаррир: Акбар Юлдашев

**Контакт Редакция журнала "Правовые исследования":
ООО Expert Lawyers город Ташкент, Сергели 6, улица Мехригиё, 1-А.
www.tadqiqot.uz Email: info@tadqiqot.uz Тел: (+998-94) 404-0000**